



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида

Электр энергетика тармоғининг ишончли фаолият юритишини таъминлашдан туриб иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат ҳудудларининг sanoat salohiyatini oshirish, tadbiqkorlik faoliyatini rivojlantirishni rag'batlantirish, aholi farovonligini oshirishni ta'minlash va xet sifatini yaxshilashga erishib bulmaydi.

Замонавий шароитларда электр энергетика тармоғида рақобат муҳитини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш электр энергиясини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш соҳасидаги фаолиятнинг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаш мумкин.

Электр энергетика тармоғини ислоҳ қилиш бўйича вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислоҳотлар концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

1. Жаҳон банкининг республика электр энергетика тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги, шу жумладан, ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштиришни назарда тутувчи таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва sanoat vazirligi, Moлия vazirligi, Davlat aktivlarini boshqarish agentligining электр энергияни ишлаб чиқариш, етказиш, тақсимлаш ва сотишни ташкил этишнинг замонавий услубларига мувофиқ, қуйидагилар орқали "Ўзбекэнерго" АЖни қайта ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маълумлансин:

а) иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқарувчи "Иссиқлик электр станциялари" акциядорлик жамиятини ташкил қилиш;

б) "Ўзбекэнерго" АЖнинг тугатилаётган "Ўзэлектртармоқ" УК ва "Энергосотиш" филиали негизида қуйидагиларни амалга оширувчи "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятини ташкил этиш; республиканинг магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш;

электр энергияни республиканинг магистрал электр тармоқлари орқали етказиб бериш ва давлатлараро транзитни амалга ошириш;

электр энергияни экспорт ва импорт қилиш, шунингдек, қўшни давлатларнинг электр энергетика тизими билан ҳамкорлик қилиш; электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан, хусусий капитал иштирокидаги корхоналарни, шунингдек, магистрал ва ҳудудий электр тармоқларини ягона оператив-диспетчерлик бошқариш;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи, шу жумладан, хусусий капитал иштирокидаги корхоналардан электр энергиясини ягона харид қилувчи функциясини бажариш, шунингдек, электр энергияни ҳудудий электр тармоқлари корхоналарига сотиш;

в) электр энергияни яқини истеъмолчиларга тақсимловчи ва сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятини ташкил этиш;

г) "Ўзбекэнерго" АЖ таркибига кирувчи айрим хўжалик жамиятлари ҳамда корхоналарини 1-иловага мувофиқ қайта ташкил этиш ва тугатиш;

д) "Ўзбекэнерго" АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг соҳага оид бўлмаган ва фойдаланилмаётган активлари ва улушларини 2-иловага мувофиқ уларни кейинчалик 2019-2021 йиллар давомида белгиланган тартибда сотиш мақсадида баланс қиймати бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

янги ташкил этилаётган "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларининг дастлабки устав капиталларини шакллантириш 3-5-иловаларда кўрсатилган хўжалик жамиятлари устав капиталларида давлат ва "Ўзбекэнерго" АЖ активлари ва улушларини бериш ҳисобига амалга оширилади;

"Ўзбекэнерго" АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг 2-иловада кўрсатилган активлари ва улушларини Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига бериш баланс қиймати бўйича давлат ва "Ўзбекэнерго" АЖ улушини камайтириш ҳисобига амалга оширилади;

активлар, акциялар пакетлари ва улушлар янги ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларига уларнинг устав капиталларида давлат улушини шакллантириш (ошириш) ҳисобига берилади;

"Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари устав капиталларидаги давлат акциялари пакетлари бўйича акциядор ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги ПҚ-3981-сон қарори билан ташкил этилган Электр энергетика тармоғини ислоҳ қилиш бўйича комиссия ишчи органи сифатида бошқарув ҳодимларининг чекланган штат бирликлари 20 нафардан иборат бўлган, бюджетдан ташқари Ёқилғи-энергетика тармоғини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги қошида Лойиҳа офиси (кейинги ўринларда – Лойиҳа офиси) ташкил қилинсин.

Белгилансинки, Лойиҳа офисига Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг электр энергетика тармоғини назорат қилувчи ўринбосари бошчилик қилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта мuddatда:

ҳар бир тадбирни амалга оширишнинг аниқ мuddатлари ва ижрочиларини кўрсатиб ўтган ҳолда, шу жумладан, "Ўзбекэнерго" АЖнинг қайта ташкил этиладиган корхоналарининг активлари ва мажбуриятларини ҳатловдан ўтказишни назарда тутган ҳолда "Ўзбекэнерго" АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларни қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

Лойиҳа офиси фаолиятини унинг таркибига электр энергетика тармоғини ислоҳ қилиш соҳасидаги халқаро ва маҳаллий экспертлар ҳамда мутахассисларни жалб этиш орқали ташкил қилишни таъминласин;

2030 йилга қадар электр энергетика тармоғида, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастурларини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги:

2019 йил 1 майга қадар – энергия ресурсларининг таннархини пасайтириш ва йўқотишларни камайтириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар)ни, шунингдек, уларга эришишнинг босқичма-босқич механизмларини кўрсатган ҳолда 2019-2020 йилларда "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар – ресурсларни бошқариш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларини автоматлаштириш тизимини (ERP) диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA)ни жорий этиш, шунингдек, электр энергияни назорат қилиш ва ҳи-

соби олишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ)ни жорий этиш бўйича лойиҳани амалга оширишни жадаллаштириш ишларининг аниқ тадбирлари, мuddатлар ва молиялаштириш манбаларини назарда тутган ҳолда 2019-2021 йилларда электр энергетика тармоғини рақамлаштириш бўйича комплекс дастурини;

Иқтисодиёт ва sanoat vazirligi, Moлия vazirligi, Uy-joy kommunal xizmat kursatish vazirligi bilan birgalikda 2019 йилнинг 1 сентябрга қадар – 2020-2030 йилларда мамлакатнинг ёқилғи-энергетика таъминоти концепциясини (кейинги ўринларда – Концепция);

Концепция қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мuddatда Moлия vazirligi, Iqtisodiyet va sanoat vazirligi, Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi bilan birgalikda Osiё taraқiqiet bankining texnik kumagi – iqtisodiyet tarмоқлари va aholining электр энергияга бўлган истиқболдаги талаб-эhtiёjlari prognozlarini inobatga olgan ҳолда 2030 йилга қадар электр энергетика тармоғида ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш ҳамда йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш дастурларига аниқликлар ва қўшимчалар киритиш;

Қурилиш вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари, консалтинг компаниялари, иктисодлаштирилган лойиҳа институтларининг техник кўмағида 2019 йил 1 декабрга қадар – илгор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда электр энергетика объектларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилишни техник бошқариш соҳасида қурилиш нормалари ва қоидаларини, стандартларини, норматив ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Moлия vazirligi Enerгetika vazirligi, Iqtisodiyet va sanoat vazirligi bilan birgalikda халқаро молия институтлари va konsalting kompaniyalarining texnik kumagida 2019 йил 1 майга қадар электр энергия тарифларини белгилаш методологиясини такомиллаштириш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлашда эксплуатация, операция ва инвестицион сарф-харажатлар тўлиқ қопланишини, шунингдек, электр энергетика тармоғи корхоналари рентабеллигининг чегараланган нормаси белгиланиши назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги уч ой мuddatда белгиланган тартибда: "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларининг устав капиталлари шакллантирилишини ва уларнинг таъсис ҳужжатлари тасдиқланишини;

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги билан биргаликда "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларига зарур тажриба ва амалий кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар, шу жумладан, хорижий мутахассислар жалб этилишини таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки: ушбу қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган активларни сотишдан тушадиган маблағлар Давлат активларини бошқариш, трансформация қилиш ва хусусийлаштириш бўйича жамғарма тасарруфида қолдириладиган маблағлар бундан мустасно бўлган ҳолда "Иссиқлик электр станциялари" АЖнинг устав капиталига давлатнинг ҳиссаси сифатида қўшилиши ва ушбу маблағлар иссиқлик электр станциялари ва электр марказлари томонидан жалб этилган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққийет жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) кредитларини "Иссиқлик электр станциялари" АЖнинг улушини

уларнинг устав капиталларида кўпайтириш ҳисобига сўндиришга мақсадли йўналтирилади;

мазкур қарорга мувофиқ хўжалик жамиятларининг бир ташкилотдан бошқа бир ташкилотга ўтказилаётган мулк, мулкый ҳуқуқлари, жумладан, устав капиталларидаги акциялари ва улушлари қиймати, шу жумладан, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш чоғида солиққа тортишнинг барча турлари бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва янги ташкил этиладиган "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларининг устав капиталларини шакллантириш акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига қўшилиётган мулкнинг баланс қиймати бўйича амалга оширилади, кейинчалик мазкур мулкнинг баланс ва бозор қийматлари ўртасидаги тафовут уларнинг устав капиталларига киритилади;

янгидан ташкил этиладиган "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларининг устав капиталларини шакллантириш акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига қўшилиётган мулкнинг баланс қиймати бўйича амалга оширилади, кейинчалик мазкур мулкнинг баланс ва бозор қийматлари ўртасидаги тафовут уларнинг устав капиталларига киритилади;

"Ўзбекэнерго" АЖнинг амалдаги шартномалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шу жумладан, "Ўзбекэнерго" АЖ "Энергосотиш" филиалининг электр энергияни харид қилиш ва сотиш билан боғлиқ дебитор ҳамда кредитор қарздорлиги, ушбу қарорнинг 15-бандида назарда тутилганларидан ташқари, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ тасарруфига ўтади.

10. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг "Қишлоқэнерголойиҳа" АЖ негизида инновацион технологиялар ва ҳозирги замон илм-фани ютуқларини қўллаган ҳолда 0,4 кВдан 500 кВгача қувватлиши барча типдаги электр тармоқларини лойиҳалаштирадиган замонавий кўп тармоқли "Ўзэнергоинжиниринг" АЖ лойиҳа ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Инвестициялар ва ташқи savdo vazirligi bilan birgalikda бир ой мuddatда "Ўзэнергоинжиниринг" АЖни замонавий техника ва ҳисоблаш воситалари, аппарат дастурий маҳсулотлари билан қўшимча жиҳозлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг молиявий маблағлари, шу жумладан, грантлари ва қарз маблағлари жалб этилишини назарда тутувчи "Йўл харитасини" ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

11. Истиқно тариқасида, 2021 йил 1 январга қадар:

"Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларига ҳамда уларнинг таркибига кирувчи ташкилотларга – "Ўзбекэнерго" АЖ таркибидан чиқариладиган, шунингдек, унинг тузилмасига киритиладиган хўжалик юритувчи жамиятлар билан хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) юзасидан;

иссиқлик электр станциялари ва электр марказларига – Иқтисодиёт ва sanoat vazirligi хузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертизадан ўтказиш маркази" ДУҚда экспертизадан ўтказилган техник топшириқларга мувофиқ таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун зарур эhtiёт қисмлар ва бутловчи буюмларни харид қилишга уларнинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда тайёрловчи корхоналар билан ҳар йили амал қилиш мuddати бир календарь йилдан ошмайдиган мuddатга тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

УШБУ СОҶДА:

МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИДА ҚАНДАЙ ТЎСИҚЛАР БОР?

3



ТЎКИНЛИК ҲАМ, БАРАКА ҲАМ ТОМОРҚАДА

5



ҚОДИР БАХШИ ҚАДР ТОПДИМИ?!

6



БОЗОР ЁНИДАГИ ОЗОРЛАР

ёхуд "Кўйлик"даги ер ости йўли билан боғлиқ ажаб ҳангомаларнинг суратлардаги акси ва...

7



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОИЎзбекистон Республикасида электр
энергетика тармоғини янада
ривожлантириш ва ислоҳ қилиш
стратегияси тўғрисида

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

12. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Жамғарманнинг "Ўзбекэнерго" АЖнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун илгари назарда тутилган 318,4 миллион АҚШ доллари миқдоридagi Жамғарма маблағларидан фойдаланишни лойиҳалар қийматини оптималлаштириш ҳамда уларни 6-иловага мувофиқ халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган қарз маблағларига алмаштириш ҳисобига қисқартириш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин.

13. "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари:

эмиссия қилинадиган қимматли қоғозлар чиқарилишини давлат рўйхатига олиш ва қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ҳужжатларни кўриб чиқиш учун йиғимлар;

қайта ташкил этиладиган ташкилотларнинг топшириладиган автотранспорт воситаларини қайтадан рўйхатга олишда автотранспорт йиғимлари тўлашдан озод қилинсин.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 июлдан бошлаб:

қуввати 10 МВтдан кўпроқ энергия истеъмол қиладиган санаят корхоналарини куриш ва ер майдонлари ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар республика ҳудудларида жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибда фақат Энергетика вазирлиги билан келишган ҳолда амалга оширилади;

хусусий инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳисобига ташкил этилган мустақил ишлаб чиқарувчилардан электр энергияни харид қилиш танлов асосида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган лойиҳалар бундан мустасно) ҳосил қилинаётган электр энергиянинг максимал қиймати кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

15. Белгилаб қўйилсинки: инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва айланма маблағларни тўлдирish учун "Ўзбекэнерго" АЖга берилган кредитлар ва қарзларни "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятларига ҳамда уларнинг таркибига кирувчи корхоналарга, шунингдек, "Ўзбеккумир" АЖга қайта расмийлаштириш 7 ва 8-иловаларга мувофиқ амалга оширилади;

"Ўзбекэнерго" АЖ ва унинг "Энергосетиш" филиалининг "Ўзбекэнерго" АЖ ҳамда 9 ва 10-иловаларга мувофиқ унинг таркибига кирувчи жамиятлар томонидан жалб этилган кре-

дитлар бўйича кафиликлари белгиланган тартибда "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари", "Худудий электр тармоқлари" ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятларига қайта расмийлаштирилиши лозим;

"Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари "Ўзбекэнерго" АЖнинг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шу жумладан, иссиқлик электр станциялари ва электр марказларида, худудий электр тармоқлари корхоналарида, "Ўзэлектртармок" УҚда лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ҳамда 11-иловага мувофиқ, қайта ташкил этилган санада унинг молиявий ҳисоботида акс эттирилган активлари ҳамда мажбуриятларининг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришларга мувофиқ:

тижорат банклари ва Жамғарма билан биргаликда "Ўзбекэнерго" АЖ томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб этилган кредит мажбуриятларининг янгидан ташкил этилаётган "Иссиқлик электр станциялари", "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" ва "Худудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятлари ҳамда уларнинг таркибига кирувчи корхоналарга қайтадан расмийлаштирилишини таъминласин;

"Ўзбекэнерго" АЖнинг мажбуриятлари бўйича илгари берилган давлат кафолатларига ўзгартиришлар киритсин.

17. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар республикада фойдаланилаётган электр энергетика объектлари учун ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада кенгайтириш дастурини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – энергетика вазир А.С. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2019 йил 27 мартТУРИЗМ:
қонун
лойиҳаси
юзасидан
ҳали саволлар кўп

Муддаога ўтишдан
аввал бэкпекин ва бэкпе-
керлар хусусида мухтасар
маълумот бермоқ жоиз.
Очиқ энциклопедия – ви-
кипедия лўғатида битили-
шича, бэкпекин сўнги
10-15 йил ичда туризм
соҳасида кенг тарқалган
тушунча бўлиб, камтаро-
на маблағ эвазига асосан
пиёда ёки велосипедда
сайру саёҳат қилишни
англамади.

Бэкпекерлар – ётоқ-тўшак, қи-
йим-кечак ва озиқ-овқатини юк халта
(рюкзак)га орқалаб, елғиз ўзи ёки бир
неча киши бўлиб юрадиган, ихтисос-
лашган фирмалар хизматидан фойда-
ланмайдиган туристлардир. Бугунги
кунда маҳаллий ва хорижий туропе-
радорларнинг иш жараёнида фаол қўл-
ланиладиган ушбу атамалар юк халта-



нинг инглиз тилидаги ифодаси орқали
келиб чиққан. Бэкпекерлар ўзлари
истаган тарихий обидалар, замонавий
шаҳарлар томошасидан завқланиб
бўлгач, кўпинча табиат кўйида – қиру
адирлар, дарё бўйлари, тоғ ёнбағирла-
рида ихчам палаткада дам олиб, тунни
ҳам ўша "уйча"да ўтказишни хуш кўри-
шади.

Энди кўз олдингизга келгандир
нима ҳақда гап кетаётгани?

O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия
қўмитасида туристик компания (фир-
ма)лар, туроператор ва турагентлар
иштирокида юқорида тилга олинган
қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган
очиқ мулоқот жуда қизиқарли фикрлар
билдирилгани билан ёдда қоладиган
бўлди. Давра суҳбати қатнашчилари
саволларига Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъ-
золари Шухрат Бафоев ва Абдурашид
Абдуқодиров, Ўзбекистон Республика-
си Туризмни ривожлантириш давлат
қўмитаси Ахборот-таҳлил бошқармаси
бошлиғи Ўткир Холбадаловлар имкон
қадар жавоб қайтаришди.

Кези келганда, муҳокама давоми-
да "сиз тилга олган масала бу қонун-
нинг объекти эмас" ёхуд "қўтарилган
муаммо ечими қўмита ваколатига кир-
майди", тарздаги ҳеч қимга ҳеч нарса
англамайди гап-сўзлар бот-бот так-
рорланганини ҳам айтиб ўтиш даркор.

Масалан, мулоқот аввалидаёқ тур-
операторлар сайёҳликнинг бэкпекин
йўналиши ва бэкпекерлар манфаат-
лари янги қонун лойиҳасида қандай

га жавоб қонун лойиҳасининг 3-модда-
сида ўз аксини топганини таъкидлаб,
уни шарҳлаб берди. Иккинчи қисми
эса, табиийки, қўмита ваколатига кир-
майди.

Ошқора муҳокамани кузатар экан-
миз, долзарб жиҳат эътиборимизни
тортиди. У ҳам бўлса, қонун лойиҳаси-
нинг давлат тилидаги варианти ҳали
тўлиқ тайёр эмаслиги ёки давра суҳ-
бати иштирокчиларига тақдим этилма-
ганидир. Шунинг учун ҳам мулоқотда
деярли 30 дақиқа сўз юритилган сайёҳ-
ликнинг бэкпекин йўналиши таърифи
ни рус тилидаги матндан айнан келти-
ришга мажбуриймиз: *самостоятельный
туризм* (бэкпекин назарда тутиляпти)
– *путешествие, организуемое тури-
стами самостоятельно без участия
туроператоров и турагентное.*

Парламент қўйи палатасининг
расмий сайтида 26 март куни эълон қи-
линган хабарда "Туризм тўғрисида"ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунига
ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи
ўқишда кўриб чиқишга тайёрлиги ва
унинг ялпи мажлис кун тартибига ки-
ритилгани маълум қилинган. Сийёсий
партиялар фракцияларининг (жумла-
дан, "Миллий тикланиш" ДП, 6 март
parliament.gov.uz) айна масалага оид
хабариди эса мазкур қонун лойиҳасига
"ихтиёрий туризм", "йўриқчи-йўлбош-
ловчи", "инструктор-йўлбошловчи" ян-
лиг янги тушунчалар киритилгани таъ-
кидланган.

Ўткир Холбадаловга сим қоқиб
"ихтиёрий туризм" (ноихтиёрийси қа-
нақалиги тасаввуримизга сиғмади) ту-
шунчасига таъриф беришни сўрадик.
Унинг жавоби лўнда бўлди: қонун лой-
иҳасида бундай тушунчанинг ўзи йўқ.
Суҳбатдошимиз ҳақ бўлса, сийёсий пар-
тиялар фракциялари жамоатчиликка
нотўғри ахборот берган бўлиб чиқиши
таажубланарли, албатта. Баъзи му-
лоҳазаларга қараганда, гаройиб ту-
шунча мутаржим уқувсизлиги туфайли
юзга келган. Бўлса бордир, лекин ас-
лида қонун лойиҳаси қайси тилда қабул
қилиниши лозим? Қонун ижодкорлари
ўзга тилда "ижод" қилар экан, наҳот-
ки бирор зукко унинг давлат тилидаги
мантиғи устида ярим йил ичда бош қо-
тириб кўрмаган бўлса? Фракциялар ва
қўмиталарнинг "ҳасан-хусан" пресс-ре-
лизларини гапиришининг ўзи ноқулай
эмасми? У расмий сайтида эълон қи-

линдими – тамом! Эртасига ўчириб
ташлаганининг фойдаси йўқ – "ихтиёрий
туризм" тушунчаси оний лаҳзада етти
иқлимга тарқалиб бўлди-ку!?

Энди, ижозатингиз билан, кун тар-
тибидagi қонун лойиҳаси бўйича тақ-
дим этилаётган ўша пресс-релиздан
иқтибос келтирсак: "Ўзбекистон Рес-
публикаси Туризмни ривожлантириш
давлат қўмитасининг идоравий норма-
тив-ҳуқуқий ҳужжатларини имкон қадар
қисқартириб, улар қонун лойиҳасининг
ўзида акс эттирилмоқда. Хусусан, қонун
лоийҳасининг 3-моддасидаги асосий ту-
шунчалар такомиллаштирилди. Мазкур
модда "инструктор-йўлбошловчи",
"туристик маҳсулот" ҳамда "туристик
маҳсулот буюртмачиси", "ихтиёрий
туризм", "жойлаштириш воситаси",
"туристик йўналиш", "экскурсиячи",
"йўриқчи-йўлбошловчи" каби бир қат-
тор янги тушунчалар киритилган бўлса,
"туризм", "турист", "гид", "тур", "ту-
ристтик ваучер" каби атамалар янада
аниқлаштирувчи тахрирга айлантирилди.
Шу билан бирга, қонун лойиҳасида
туризм фаолиятини ташкиллаштириш-
ни таъминлайдиган туризм корхона-
лари – туризм операторлари, туризм
агентликлари, экскурсия ташкилотлари,
туризм фирмалари туризм фаолиятини
амалга ошириш ҳуқуқи фақат лицензия
асосида олиб борилиши белгилаб қўй-
илмоқда. Бу билан қонуний тартибда
туризм фаолиятини ташкил этиш иста-
тагида бўлган юридик ёки жисмоний
шахс мазкур лицензия асосида эркин
равишда фаолият юритиши имконияти
яратилади.

Қонун лойиҳасини маромига ет-
казиш жараёнида бир қатор хорижий
давлатлар – АҚШ, Франция, Герма-
ния, Италия, Англия, Испания, Россия,
Туркия, Грузия, Озарбайжон, Польша,
Беларусь, Қозоғистон каби давлатлар-
нинг туризм соҳасидаги қонунчилиги
ўрганилиб, таҳлил қилинди. Шунинг-
дек, туризмга алоқадор халқаро шарт-
номалар, жумладан, "Халқаро туризм
соҳасидаги Манила декларацияси",
"Минг йиллик Осака декларацияси"
ҳамда халқаро ҳужжатлар, яъни БМТ
"Бутунжаҳон туризм ташкилотининг ре-
зюлюцияси"ни амалиётда қўлланишига
эътибор қаратилди.

Озод РАЖАБОВ,
"XXI asr" мухбири

Суратларни Солижон Зоиров олган.

Фракция муҳокамага чорлайди

Мулоқот

Глобал тармоқдан фойдаланиш маданияти

Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот
технологиялари Қарши филиалида Олий
Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гул-
шана Худоёрова ҳамда O'zLiDeP Қашқадарё
вилоят Кенгаши фаоллари томонидан таш-
кил этилган давра суҳбати мавзуси интернет-
дан самарали фойдаланишнинг замонавий
механизмларига бағишланди. Учрашувда
жаҳон глобал тармоғидаги ахборотлар
билан ишлаш олиш маданиятини шаклланти-
риш масалалари хусусида сўз юритилди.

– Айна пайтда вояга етмаганлар ва ёшлар интер-
нетнинг энг фаол фойдаланувчилари ҳисобланади, –
деди парламент қўйи палатасидаги O'zLiDeP фрак-
цияси аъзоси Гулшана Худоёрова. – Виртуал олам
фойдали ахборот олиш ва дўстлар билан мулоқот
қилиш имконини берадиган манбалари рост. Бироқ,
унда ҳам ҳаётда бўлгани сингари маълум таҳдидлар
мавжуд. Бу эса ўсиб келаётган авлоднинг кўзга кўрин-
мас хатарлардан муҳофаза қилиш лозимлигини тақо-
зо этади.

Тадбирда сўз олганлар Ўзбекистон ёшларини мил-
лий аънаналар ва халқимизнинг маънавий қадриятла-
рига ҳурмат, ватанпарварлик гоёларига содиқ ҳолда

тарбиялаш, уларда интернет маданиятини шаклланти-
риш борасида фикр билдириб, хавфсиз интернет муҳи-
тини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни
тизимга солиш борасида амалий ишлар олиб борилаёт-
ганини таъкидладилар.

Талаба ёшлар депутат билан очиқ мулоқотда таълим
тизимини учраётган муаммо ва уларнинг ечими юзаси-
дан ўз мулоҳазаларини айтдилар. Билдирилган ҳар бир
тақлиф депутат назоратига олиниб, ижроси юзасидан
тегишли ташкилотларга сўров юбориладиган бўлди.

O'zLiDeP Қашқадарё вилоят
Кенгаши Матбуот хизмати

Мева-сабзавот экспортда қандай тўсиқлар бор?

Иқтисодий тўрт асосий йўналишдан бирини ташкил этади. Йилига 20 миллион тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Бирок шунча маҳсулотнинг қарийб 70-80 фоиздан ортиғи қайта ишланмасдан қолмоқда. Бу эса мева-сабзавотчиликда қўшимча қиймат занжирини яратиш вазифасига жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади. Мазкур масала аграр соҳа ҳамда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш борасидаги асосий вазифалардан саналади.

Соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт барқарорлигини таъминлаш, ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий имкониятини кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш, ноанъанавий, импорт ўрнини босувчи ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик соҳаси, шу жумладан, мева-сабзавотлар экспортини янада ривожлантириш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, солиқ имтиёзларини яратиш борасида изчил чора-тадбирлар кўрмоқда.

Аграр соҳада энг катта муаммо – фермерларнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида етарли билимга эга эмаслигидир. Биргина хоҳишининг ўзи билан биз юқори ҳосилдорликка ва пировард натижага эриша олмаемиз. Замонавий фермер қишлоқ хўжалиги технологияларини бошқаришни муқаммал эгаллаган, замонавий ишлаб чиқариш ва инновация усулларидан хабардор бўлмоғи зарур. Шу боис Президентимизнинг 2017 йил 2 мартдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қийматни яратиш занжирини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш, фермер хўжалиқлари ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий барқарорлигини ўстиришга кўмаклашиш мақсадида 2018 йилнинг январидан 2019 йилнинг февралига қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда фермер, деҳқон хўжалиқлари раҳбарлари ва томоққа ер эгалари, тадбиркорлар учун ўқув-амалий семинарлар ўтказилди.

Ўзбекистон Тадбиркорлар ва фермерларни қўллаб-қувватлаш маркази Аграр саноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги билан ҳамкорликда ўтказилган семинарларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда белгиланган махсус режа асосида 5 мингдан зиёд фермер ва деҳқон хўжалиқлари, томоққа ер эгалари иштирок этди. Тренингларида иштирокчиларнинг хўжалик юретиш малакаси, меҳнат кўникмаси ва билимлари оширилди, мева ва сабзавотларни ишлаб чиқариш ҳамда етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда логистикаси ва экспортни ташкил қилиш бўйича назарий ва амалий билимлари оширилди. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун ҳосилдорлиги юқори бўлган интенсив кўчат ва уруғлар сотиб олиш, томчилаб сугоришни йўлга қўйиш, бунинг учун зарур ускуналар харид қилиш, эски тоқзорларни янгилаш ва янги тоқзорлар яратиш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун музлаткичлар, қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш технологиялари келтириш, сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун иссиқхоналар ва боғлар ташкил этиш, кўчатхоналар барпо қилиш ва бошқа шу каби мақсадлар учун Осиё тараққиёт банкининг молиявий кўмаги асосида тижорат банкларининг имтиёзли кредитларидан самарали фойдаланиш имкониятлари



тушунтирилди. Машгулотлар давомида кўпчилик фермер ва деҳқон хўжалиқлари раҳбарлари, томоққа ер эгаларида логистика, логистик марказларнинг экспортни жадаллаштиришдаги аҳамияти тўғрисида етарли билим йўқлиги аён бўлди.

Таъкидлаш лозим, мазкур тренинг-семинарлар ҳар бир вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илгор тажриба ва инновациялар, замонавий агротехник тадбирларни қўллаш, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва экспортни ташкил қилиш, халқаро молия институтларининг маблағларини самарали ўзлаштириш масалалари қайд этилган. “Йўл харитаси” ишлаб чиқиши билан аҳамиятлидир. Давлатимиз томонидан мева-сабзавотчилик экспортини янада ривожлантиришга оид кўрилаётган чора-тадбирлар, шубҳасиз, соҳада катта бурилиш ясалшига хизмат қилади.

Айни пайтда, мазкур масалага тахлил қилинган бўлса, экспортни ривожлантиришга билвосита ёки бевосита тўсиқ бўлиб турган бир қатор муаммоларни ҳал этиш лозимлиги аён бўлади.

1. Мева-сабзавот экспортини рағбатлантириш. Бунинг учун, аввало, мавжуд муаммоларни бартараф этиш керак. Ҳозирги вақтда деҳқон, фермерларнинг қўлида кўп миқдордаги маҳсулот қолиб кетмоқда, уни хорижий истеъмолчига етказиб бериш (сотиш) тизими тўлиқ шаклланимаган. Чет давлатлар билан ўзаро товар айрибошлашга оид келишувларга эришиш, уларнинг талабига жавоб берадиган мева-сабзавот экспортини рағбатлантириш, божхона идораларида “яшил йўлак”лар ташкил этиш, имтиёзли кредит ва преференциялар берилиши лозим. Пишиқчиликда нархи жуда арзон бўлиб кетадиган ва сақлаш имконияти катта сарф-харажат талаб қиладиган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, замонавий қайта жиҳозлаш, қайта ишланган маҳсулотни чет эллардаги сав-

до уйлари, консалтинг компаниялари орқали экспорт шартномалари тузилиши ва етказиб берилишига кўмаклашиш ҳам айни мuddао. Бунинг учун мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан Хитой, Россия, Қозғистон, Туркия каби давлатларда давлат-хусусий шерикчилик асосида савдо уйлари очил талаб этилади. Шунингдек, қайта ишлаш корхоналари ва фермерлар ўртасида шартномалар тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш масаласини назоратта олиш лозим.

2. Чет эллик хариддорнинг талабига жавоб берадиган сабзавот уруғи, даррахт кўчати етиштириш ва унинг сифатини қафолатловчи тизим яратиш. Токи фермернинг сермашақат меҳнати ҳақига учиб кетмасин. Экспортбоп мева-сабзавотларни экиш ва парваришlash бўйича ҳудудларга мос ҳолда олимлар ва агрономлар томонидан технология карталарининг ишлаб чиқиши, сифатли уруғ билан таъминланиши йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ. Бу ўринда экспортбоп кўчат навлари ва уруғлар етказиб берувчи хўжалиқларни кўпайтириш ва уларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш даркор. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар тўғрисидаги маълумот акс этувчи веб-сайт яратилиши масаласи алоҳида тўлиқ ҳал этилмаганини қандай тушуниш мумкин?

3. Сертификатлаш тизимини такомиллаштириш. Тадбиркор, фермерларимиз хорижга маҳсулотларини сотишда, импортёр давлатлар томонидан маҳсулотга қўйилаётган сифат, сертификатлаш, фитосанитария, қадоқлашга оид ва бошқа талабларни ўрганишлари ва амалиётга жорий этишлари лозим. Бу масалада мутасадди идоралар эгичона, экспортни ривожлантириш ташкилотлари, божхона идоралари аниқ маълумот берилишини таъминлаш, тегишли ахборот кўмаги кўрсатиши лозим. Мева-сабзавот маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари бўйича сертифи-

катлаш лабораториялари тармоғини туманлар даражасида ташкил этиш соҳа ривожига туртки бўлади.

4. Мева-сабзавот маҳсулотини экспортга етказишда замонавий инфратузилмани ривожлантириш, йўл харажати қисқартириш. Ўзбекистон тўғридан-тўғри денгизга чиқиш имкониятига эга эмас, шунинг учун тез айнидиган мева-сабзавотларни хорижий истеъмолчига етказиб бериш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда. Буни ҳал этиш транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш, хусусан, автомобиль, темир йўл, ҳаво-юк транспорти тармоғини ривожлантиришга бориб тақалади. Бугун ушбу тизимлардан фойдаланиш экспортчиларимизга жуда қимматга тушмоқда. Мутасадди давлат идоралари экспорт юкларини қўшни давлатлардан темир йўл, автомобиль йўллари орқали имтиёзли нархларда ўтказиш бўйича музокараларга эҳтиёж сезади. “Uzbekistan Airways” ва “Ўзбекистон темир йўллари” компаниялари товарларимизни экспорт қилиш бўйича замонавий логистика йўналишларини яратишлари зарур. Айни пайтда автомобиль халқаро юк ташувлари тизимини жаҳон бозорида рақобатбардошлигига эришиш, мева-сабзавот ташувчи автоуовлар паркни кенгайтириш, “Евро 5” стандартига жавоб берадиган замонавий совутиччи, изотермик фуралар сони ва сифатини кескин кўпайтириш чора-тадбирларини кўриш лозим.

5. Маҳсулот экспортларини экспорт қилувчилар ахборот портални тўлиқ ишга тушириш. Экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотларининг турлари, ҳажмлари, суммаси ва етиштириш ҳудудлари кесими тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, экспорт жараёнининг барча босқичларини реал вақт режимида кузатиш имконини берувчи бундай порталнинг ишга туширилиши ҳам экспортчилар учун бирмунча қўлайлик яратган бўлар эди. Ташқи бозорларни ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини олиб борувчи консалтинг хизматлари ташкил этиш ва уларнинг материалларини интернет-сайтларда эълон қилиш ҳам бу масалани ҳал этишга қисман бўлса-да хисса қўшади.

6. Маҳсулот тайёрлаш ва экспортни молиялаш соҳасидаги масалаларни ҳал этиш. Хорижий ҳамкорлар одатда маҳсулотни йирик миқдорда улгуржи сотиб олиш учун буюртма қилишади. Уртამиёна фермер ёки тадбиркор 200-300 тонналик маҳсулотни бир ўзи етиштириши қийин. Шу туфайли экспорт контракти бўйича буюртмани бажариш учун қўллаб деҳқонлар, томоққа эгалари ва деҳқон бозорларидан маҳсулотни йиғишга ҳаракат қилади. Бу эса товар қондиция – сифати, нави ва ҳоқозопларини турли хиллигига олиб келади ва тегишли тарзда ҳар доим ҳам харидор хоҳлаган сифат, ўлчамдаги товар тайёрлашга имкон берадими. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш учун биринчи ўринда хорижий ҳамкорлар талабига мувофиқ экспортбоп тарзда калибровкага келтирилган кўп миқдорда мева-сабзавот йиғиш ва уни қайта ишлаш имкониятига эга махсус жиҳозланган мева-сабзавот терминналларини сонини кўпайтириш юзасидан чора-тадбирлар кўриш талаб этилади. Мева-сабзавот терминналларини жиҳозлаш учун четдан техника ва технологиялар олиб келаётган тадбиркорларга божхона имтиёзлари олиб келган кенг-роқ қўлланиши ва молиявий кўмак берилиши айни мuddао. Ушбу терминналлар экспорт юки ортиш учун мўлжалланган транспорт партиялари (контейнерлар, юк ташушга мўлжаллан-

ган (совутиччи) автомобил фуралари, вагонлар туркуми)га эга логистик марказлар билан бирга фаолият юритиши мақсадга мувофиқ. Масалан, мош харид қилмоқчи бўлган хитойлик ҳамкорлар биринчи навбатда ўзбекистонлик сотувчидан мева-сабзавот, шу жумладан, мошини йиғиш ва қайта ишлаш (калибровка қилиш, қопларга қадоқлаш) имкониятига эга терминал бор-йўқлиги билан қизиқиши табиий. Чунки у ҳам харидор сифатида буюртмаси ўз вақтида ва сифатли бажарилишидан манфаатдор.

Хорижий ҳамкорнинг йирик миқдордаги буюртмасини бажариш ёки келгусида экспорт қилиш мақсадида маҳсулот йиғиш учун тадбиркор ёки фермер аксарият ҳолларда деҳқон бозорларида аҳолидан мева-сабзавотни нақд пулга сотиб олишга мажбур бўлади. Барча тадбиркор ва фермер ҳам бунча йирик миқдордаги (500 миллион сўмдан 1 миллиардгача ва ундан юқори) нақд пулга эга эмас. Шу ўринда экспорт шартномасини бажаришда экспортчи учун улгуржи савдонини молиялаштириш масаласи кун тартибига чиқади. Бу ҳам ечилиши лозим бўлган жиддий масала. Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти хавф-хатарини сугурта қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш, кўчат, сертификатланган уруғ ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини ҳам маъбуллаштириш жоиз.

7. Маҳсулот имжини яратиш. Юртимиздан чет элга сифатсиз маҳсулот жўнатган ва рекламация олган ташкилот, фермерлар рўйхати (реестри) яратилиши жоиз, токи бошқа чет эллик хариддорлар алданиб қолиши ёки сифатсиз маҳсулот харид қилишига йўл қўйилмасин.

8. Асосий савдо шерикларимиз бўлган давлатларнинг карантин, фитосанитария, сертификатлаштириш хизматлари билан ҳамкорлик тўғрисида келишувга эришиш. Бу ушбу давлатларга маҳсулот етказиб беришга, божхона ва сертификатлаш идораларида вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш, тегишли ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш имконини беради.

9. Мева-сабзавот маҳсулотини импорт қилувчи давлатларнинг агроном олимлари, маркетинглар, фермерларни юртимизга ёки бизникларни хорижга юбориб, ўқув машгулотлари, тренинглар ташкил қилиш. Бундай тажриба алмашиш чет элнинг илгор интенсив технологияларини юртимизда жорий этиш ва уларнинг бозори талабларига мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Масалан, Хитой йилига камида 20 миллион тонна мош импорт қилади. Бу борада Ўзбекистоннинг улуши жуда кам.

10. Мева-сабзавот етиштириш бўйича кластер тизимини ривожлантириш. Бу борада кўп қишлоқ хўжалик бирлашмаларини шакллантириш маҳсулотларнинг улгуржи бозорини яратишга хизмат қилиб, мева-сабзавотни етиштириш, қайта ишлаш ва экспортга чиқаришга бўлган масалаларнинг ечилишига хизмат қилади.

Ушбу тақлифларимизнинг жорий этилиши соҳани янада такомиллаштириш ва иқтисодий-етимизнинг юксалишига катта замин яратади.

Султонмурод МЕҲРИДДИНОВ,
Республика тадбиркорлари
ва фермерларни
қўллаб-қувватлаш маркази
бўлим бош менежери

Давра суҳбати

Тадбиркорлар сафи янада кенгайди

Шу йил 7 мартда Президентимизнинг “Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Қуни кеча O‘zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ташаббуси билан мазкур ҳужжат мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Молия, Иқтисодиёт ва саноат, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, Давлат солиқ кўмитаси, Фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томоққа ер эгалари кенгаши вакиллари, партия фаоллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этган тадбирда қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бизнес гоёларини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса ҳудудларда оилавий тадбиркорлик ривожига, хотин-қизлар ва ёш тадбиркорларнинг истиқбол-ли лойиҳалари рўёбга чиқишига ва аҳолининг

бандлиги таъминланишига хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш, қўламини кенгайтириш зарурати вужудга келмоқда. Жумладан, аҳолининг меҳнат орқали даромад топишга қизиқишини кескин ошириш, айниқса, муҳтож оилаларнинг хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини, шунингдек, ҳудудларда фойдаланилмаётган биноларда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиши, аҳоли томоққалари ва бўш экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳаларни имтиёзли шартларда молиялаштиришни тизимли равишда давом эттиришни тақозо этмоқда. Давра суҳбатида ушбу қарор бу борадаги чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиши таъкидланди.

Қарорга мувофиқ, аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича ҳар бир ҳудуд миқёсида секторлар ташкил этилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, ҳудудларда бундан кейин ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган “Ҳар бир оила – тадбиркор” ва “Yoshlar – kelajagimiz” дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида



имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳамда эттирилиши кўзда тутилмоқда.

Ҳужжатда барча туман (шаҳар)ларда аҳоли ва муҳтож оилаларни фойдаланишга жалб этган ҳолда экспортбоп, бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини қамраб олган кластер тизимини кенг жорий этиш бўйича ҳам аниқ вазифалар баён этилди. Бунда маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлаш жараёнида аҳолининг, биринчи навбатда, муҳтож оилаларнинг иштирокини ва моддий манфаатдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича

илгор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида улардан маҳаллий шароитларда кенг фойдаланиш, кластер тизимини жорий қилишда хорижий мутахассисларни ва мазкур соҳада юқори кўрсаткичларга эришган етакчи тадбиркорларни жалб этиш, серҳосил мева-сабзавот экинларини экиш, насли чорва молларини боқиш, тайёр маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнига замонавий инновация, ресурс тежайдиган технологияларни татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган.

Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бизнес гоё ва стартапларини амалиётга татбиқ этишга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида илгор хорижий

тажрибадан келиб чиққан ҳолда “бизнес инкубаторлар”ни ташкил қилиш яқин истиқболда ижобий натижалар бериши аниқ. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусияти ҳисобга олиниб, “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида ҳар бир маҳаллани аниқ бир йўналишга ихтисослаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани аҳоли даромадлари ортиши, турмуш фаровонлигига хизмат қилади.

Қарорда баён қилинган вазифалар партия-миз дастурий гоё ва мақсадларига ҳамоҳанглиги алоҳида эътиборга молик. O‘zLiDeP хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, хусусий бизнесга қўл ураётганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инновация лойиҳаларини ҳаётга татбиқ қилиш каби қўллаб йўналишларда фаол иш олиб бораётган, партиявий лойиҳалар, семинарлар, мастер-класслар ва бошқа турли тадбирлар орқали ишбилармонликнинг янада кенг қулоч ёзишига муайян ҳисса қўшапти. Қарорда кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар эса сиёсий куч олдида янги вазифаларни қўймоқда. Партия уларни амалга ошириш учун бутун салоҳиятини ишга солади.

Давра суҳбати ниҳоятда мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз
Солиқ ЗОИРОВ олган сурат

Депутатлик гуруҳларида

Энди ўринбосар эмас, раҳбар ҳисобот берсайди...

Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи ҳудуддаги ислохотлар самарадорлигини мунтазам ўрганиш, қонун ҳужжатларининг ижросини доимий назорат қилиш, мавжуд муаммоларга оқилона ечим топиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Хусусан, гуруҳнинг навбатдаги йиғилишида вилоят миқёсидаги бир қатор мутасаддиларнинг ўзига бириктирилган вазифаларни қандай бажарётгани ҳақидаги ҳисоботлари тинглангани фикримиз далилидир.

Муҳаммад Турсунмуродов – Жиззах вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари. Партиямиз депутатлари дастлаб ана шу мансабдорнинг ахборотини эшитишди. Ҳисобдор ўз сўзини Солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар тўғрисида маълумот беришдан бошлаб, кейин

ган, 2018 йилда 110 та оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаси очилган.

Умуман олганда, бугунги кунда вилоят миқёсида 5-6 ёшдаги 25 минг 633 нафар боладан фақат 12 минг нафари мактабгача таълим муассасалари орқали қамраб олинган. Демак, бу борада ҳали амалга оширилмаган ишлар кўлами талайгина. Бироқ, депутатларнинг фикрича, болаларни боғчаларга қамраб олиш билангина иш битмайди. Мазкур даргоҳларда таълим-тарбия сифатини яхшилаш, тизимга ахборот технологияларини кенг жорий этиш, методик қўлланмаларни кўпайтириш каби долзарб масалалар бор.

Эшитув давомида депутатлик гуруҳи аъзолари юқорида ҳисоботлари тингланган мутасаддилар раҳбарлик қилаётган соҳаларда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиликлар, тизимларга оид қабул қилин-



рақамлар таҳлилу таққосига ўтди. Унинг таъкидлашича, вилоят бўйича қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сони жорий йилда 877 тага кўпайиб, айти пайтда 1 064 тага етмоқда. Шунингдек, ўтган уч ойда 2 522 та ер солиғи, 2 586 та мулк солиғи ва 1 414 та сув ресурсларидан фойдаланаётган корхоналар солиқ органларида ҳисобга олинган. Вилоятда барча солиқ турлари бўйича 2019 йил учун ҳисобланган жами солиқ суммаси 47,2 млрд. сўмини ташкил этган.

Солиқ ходимлари томонидан янги солиқ тизимининг тартиб-қоидалари ва ҳисоб-китоблари юзасидан тадбиркорларга мунтазам равишда тушунтириш ишлари йўлга қўйилган. Айниқса, фаолиятини тўхтатиб қўйган тадбиркорлар билан профилактик учрашувлар ўтказилиб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда.

O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари маърузачига ўнлаб саволлар билан мурожаат қилишди. Қизгин баҳс-мунозара юзага келди, десак бироз муболага бўлади. Лекин партиямиз вакиллари ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилиш нўқтаи назаридан мутасадди раҳбардан тайинли жавоб олишга эришди.

Йиғилишнинг иккинчи қисмида Жиззах вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари **Барно Рашидованин**г ахбороти эшитилди.

Маълум бўлишича, ҳудуддаги 17 та мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва реконструкциялаш учун 58 миллиард 65 миллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Шу объектлардан 2 таси янгидан бунёд этилиши, 1 таси мукамал таъмирланиши, 14 таси реконструкция қилиниши белгилан-

ган фармон ва қарорлар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбир давомида вилоятдаги мактабгача таълим муассасаларини ичимлик суви, иситиш тизими, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашни тубдан яхшилаш борасида аниқланган муаммоларни партиявий воситалар билан ҳал этиш юзасидан депутатлик гуруҳининг аниқ вазифалари белгилаб олинди.

Сўнгсўз ўрнида

O'zLiDeP – сўз ва иш бирлигига амал қиладиган сиёсий куч сифатида танилганини инobatга оладиган бўлсак, энди бу майдонда кураш йил сайин кучайиб бораётир. Эътиборлиси, сайловлар яқинлашяпти. Модомики, вакилларимиз иштирокида ўтаётган эшитув ва ҳисоботларга тегишли ташкилотларнинг раҳбар ўринбосарлари эмас, ўзларининг келишига эришиш ҳам, ўйлаймизки, партия нуфузини оширишга хизмат қилган бўлур эди, назаримизда.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
"XXI asr" мухбири

Баҳо қониқарли, лекин...

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиёт бошқармасининг вилоят, туман ва шаҳарларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир тасдиқланган дастурларни ижросини таъминлашдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди.

– Андижон катта салоҳиятга эга ҳудуд эканлиги ҳеч кимга сир эмас, – деди ўз ахборотида вилоят иқтисодиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Рўзи-муҳаммад Юнусов. – Хусусан, 2018 йил якунига кўра, республикада ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 6,7 фоизи, sanoat маҳсулотларининг 11,8 фоизи, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 10,9 фоизи вилоят ҳиссасига тўри келиши фикримизни исботлайди. Вилоят тасаруфидоги корхоналар томонидан жами 170 миллион АҚШ доллари миқдоридида маҳсулотлар экспорт қилиниши режалаштирилган бўлиб, амалда 171,1 миллион АҚШ доллари миқдоридида маҳсулотлар экспорт қилинган. Бу эса кўзланган натижа 100,7 фоизга бажарилганини кўрсатади. Мухими, 2018 йилда ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича дастурлар доирасида умумий қиймати 1,9 триллион сўм бўлган 460 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида

13 минг 634 нафар янги иш ўрни яратилди.

Ҳисоботдан кўриндики, соҳадаги режалар кўрсаткичи юқори, ҳатто ортиги билан бажарилган. Бироқ депутатлар ҳам анюйи эмас. Ахборотни тинглаш давомида тузилган қатор саволлар мутасадди учун баҳона топишга имкон яратмади. Негак, бажарилган ишларнинг чаласи йўқ, юз ёруғ.

– Йиғилишда ўзимизни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдик, – дейди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Мухаббат Юлдашева. – Масалан, 2019 йил прогноз кўрсаткичлари бизни қизиқтирди. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш натижасида 2019 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот 107,5 фоиз, sanoat маҳсулотлари 108,5 фоиз, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари 102,5 фоиз, қурилиш ишлари 106 фоизга ўсишига эришилиши кўзда тутилган. Бу, албатта, халқимизга янада муносиб турмуш тарзини яратишга имкон яратади.

Йиғилиш якунида депутатлар ва мутасаддилар келгусидаги вазифалар ижроси юзасидан ўзаро ҳамкорликни режалар ва тизимли келишиб олдилар.

Одинахон ТУРҒУНОВА,
O'zLiDeP Андижон вилоят
Кенгаши депутатлар
билан ишлаш бўлими мудири

Бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш материаллари бозори ниҳоятда жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Бунга туртки берган омидлардан бири, тадбиркорларимиз томонидан маҳаллий хомашёдан халқаро андозаларга мос, сифатли қурилиш маҳсулотлари тайёрланмоқда. Улар анча арзонлиги, экологик жиҳатдан хавфсизлиги билан ҳам ажралиб турибди. Шу билан бирга айни йўналишда рақобат ҳам тобора кучайиб бормоқда. Сабаби эса оддий: харидор топиш тадбиркор учун муҳим масала ҳисобланади.



DIMAX бизнес маркази:

бош мақсадимиз – хусусий бизнес ривожига кўмак беришдир

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган "DIMAX" sanoat savdo kўrgazma бизнес маркази бинокорлик борасида иш юритаётган тадбиркорларнинг мушқулини осон қилишга кўмаклашяпти. Хусусан, мазкур компания бу соҳага ихтисослашган ишбилармонларнинг фаолигини ошириш, мавжуд имконият ва имтиёزلардан самарали фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, янги хизмат турларини кўрсатиш борасида изчил изланишлар қилляпти.

Марказ қурилиш моллари ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда реализация қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб бermoқда. Бундан ташқари, марказ замонавий ва ҳар томонлама мослаштирилган, доимий фаолият кўрсатувчи кўргазма ярмаркаларини ҳам мунтазам равишда ўтказиб келмоқда.

Биламизки, сармосиз бизнес бошлаш шўрҳок ерга уруғ қадаш билан баробар. Шундан келиб чиқиб, марказда тадбиркорлик билан шуғулланишни ихтиёр этган, ўз бизнес пойҳасини амалга оширишга, бел боғлаган, ишбилармонларга тижорат банкларидаги микрокредитлар олишга кўмаклашиш ҳам йўлга қўйилган. Шу билан бирга кредит олишга ҳаракат қилаётган тадбиркорларнинг инновацион лойиҳалари кафолатини таъминлаш мақсадида Марказ қoшида устав маблағи 1 миллиард сўмини ташкил этадиган махсус Фонд тузилган. Ҳозирги кунда Фонд томонидан қўллан-қувватланган лойиҳалар амалга таъбиқ қилинмоқда. Шу кунгача 200 дан зиёд иш ўрни яратилди, йиллик товар айланмаси эса 3-5 миллиард сўмини ташкил этмоқда.



Жасурхўжа Хўжаев,
тадбиркор:

– 2012 йилдан буён "DIMAX" sanoat savdo kўrgazma бизнес марказида оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида сантехника маҳсулотлари савдоси билан шуғулланиб келаямиз. Бугунги кунда дўконимизда Туркия, Италия, Германия каби давлатлардан келтирилган 500 га яқин турдаги сифатли ва замонавий иситиш қурилмалари, сантехника маҳсулотлари мавжуд.

Албатта, тадбиркорликка қўл уриш осон эмас. Биргина лойиҳа ёки бизнес режа билан иш битмайди. Хар қандай бизнеснинг асосини, хоҳлаймишни йўқми, маблағ ташкил этади. Очигини айтиш керак, иш бошлашимиздан аввал бизда иштиёқ, мақсад, гоё бор, лекин, уни ҳаракатга келтирувчи капитал йўқ эди. Фаолиятимизни марказ қoшида устав маблағи 1 миллиард сўмини ташкил этадиган махсус фонд маблағлари эвазига бошлаганимиз.

Айни пайтда қурилиш соҳасида ишлаб чиқаришни бошламоқчимиз. Яқинда "DIMAX" бизнес маркази кузатув кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Дилшод Шоумаров ташаббуси билан Туркиянинг қурилиш соҳасидаги етакчи компаниялари иштирокида инвестицион ва инновацион ишлаб чиқариш ускуналари

Халқаро ҳамкорлик



DIMAX бизнес маркази:

бош мақсадимиз – хусусий бизнес ривожига кўмак беришдир

кўргазмаси ўтказилади. Ана шу имкониятдан унумли фойдаланиб, хорижий ҳамкорларимиз билан келишувларга эришишни мақсад қилганмиз.

Қайд этиш жоиз, ҳозирда ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларни ривожлантириш масаласи айрим вазирлик ва идораларнинг алоҳида ваколати бўлмай қолди. Бу умуммиллий вазифа бўлиб, уни ҳал қилишда бизнес дипломатия катта роль ўйнамоқда.

тадбир сифатида эмас, балки талабни шакллантирадиган, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, асортиментни кенгайтириш ва янгилаш, сифатини яхшилашга таъсир кўрсатадиган усул сифатида ҳам қарамоқдамиз. Тўғри, сирдан қараганда, улгуржи савдо билан шуғулланидиган ярмаркалар, кўргазмалар кўп ҳолларда товар биржаларига ўхшашдай туюлади. Бироқ улгуржи савдонинг бу шаклларида фарқли жиҳатлар кўп. Масалан, ярмаркада биржага хос бўлган маклеп-лар, брокерлар, нарх-наво котировкаси каби ажиотаж тугдирадиган унсурлар мавжуд эмас.

Ярмаркада биржа босими бўлмайди, воситачиларнинг сони ҳам кам, нарх-наво ҳам нисбатан барқарор бўлади. Харидорлар ва сотувчилар учун ярмаркада иштирок этиш анча осон, арзон ва қулайдир. Бундан кўзланган асосий ниятимиз қурилиш sanoati соҳасида сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, экспортни ташкил этиш ва ривожлантириш, хорижий қурилиш ва консалтинг компаниялари орқали кўшимча инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашишдан иборатдир.

Шу ўринда нега айнан Туркия билан бу ишга қўл урилди, деган савол туғилиши табиий. Кўпчиликка яхши маълум, замонавий шаҳарсозлик, қурилиш, бунёдкорлик соҳасида Туркия айни пайтда дунёнинг илғор давлатлари сирасига кирди.

Умуман олганда, бу борада сўнгги уч йил ичида Чехия, Польша, Болгария, Хитой, Исроил, Жанубий Корея, Россия, Австрия, Украина каби мамлакатлар вакиллари билан 20 дан ортиқ амалий учрашув ва мулоқотлар ўтказилган. Жумладан, Малайзиянинг "Motrid", Австриянинг "Земан" компаниялари билан инвестицион лойиҳалар амалга оширилган.

Сир эмас, қайси соҳа бўлмасин, унинг истиқболини, ривожини билимли, малакали кадрларсиз тасаввур этиш мушкул. Шундан келиб чиққан ҳолда марказимизда хорижий қурилиш компаниялари, таълим муассасалари, ўқув-консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда ўқув марказлари ташкил этиш орқали қурилиш индустриясига миллий мутахассислар тайёрлаш ва қурилиш соҳасида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, ўз ишини бошлаётган фуқароларнинг бизнес ва ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида Марказ қoшида ёш тадбиркорлар мактаби очилган.

Ўз мухбиримиз

Солижон ЗОИРОВ олган суратлар



Тўкинлик ҳам, барака ҳам томорқада

Ҳосилнинг чўғи, миришкорнинг шашти баланд

Ер – бойликнинг онаси

Томорқа – том ортидаги барака дегани. Мана шу баракани бутун қўшқўллаб топайтганларга хавасингиз келадди. Давлатимиз раҳбарининг томорқанинг даромад манбаи эканлигини таъкидлашларида ҳам ҳикмат кўп. Бунинг исботини бутун бир парчагина томорқасидан унумли фойдаланаётганлар мисолида кўриб турибмиз.

Қўрғонтепа туманининг "Бобур" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги томорқалар кўзни қувватлади. Қай бир хонадонга кирманг, кафтдекки на ердан мўмайгина даромад олаётганларга гувоҳ бўласиз. Маҳалла раиси Акмалжон Нурматов, мутахассиси Моҳидилхон Хайдарова аҳоли билан доимий мулоқотда. Муҳими, мазкур сайлов округидан халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган Мухаббатхон Юлдашева ўз сайловчиларига елкадош. Худуд хонадонларининг томорқалари фаолиятини ўрганиш ишлари ҳам мана шу фидойи-

дастлаб Шавкатбек Жумабоев хонадонидagi томорқа фаолияти кўздан кечирилди. Фуқаронинг 6 сотихдан иборат шахсий томорқасининг 4 сотихидаги иссиқхонада турфа гуллар парваришланаётган бўлса, 2 сотих майдонга қурилган иссиқхонада лимонарий ташкил этилган.

– Фаолиятимизни бошлаганимизга 10 йил бўлди, – дейди Ш. Жумабоев. – Олаётган даромадининг ортидан уй-жойларимизни янгидан қурдик, ота-онами муборак ҳаж зиёратига юбордик. Томорқамизда дастлаб ўз оила аъзоларимиз билан меҳнат қилган бўлсак, бугунга келиб маҳалламиздаги 6 нафар уй бекаларининг бандлигини таъминладик. Режаларимиз кўп, фаолиятимизни янада кенгайтириб, ички бозорнигина эмас, ташқи бозорни ҳам гулларимиз ва цитрус мевалар билан таъминлаш истистадимиз.

Ер эгасининг гурунланганича бор: томорқачиликдаги иш унуми, самараси Қўрғонтепа туман ҳокими назарига тушди, унинг режалари янада қанот ёзди. Туман ҳокимлиги томонидан ажратилган бўш турган 20 сотихли ер майдони Шавкатбекка гулчиликни



– Айни кунда тадбиркорнинг имтиёзли кредит олиш тақдими бўйича ҳужжатларни тайёрладик, – дейди мазкур округ депутати Мухаббатхон Юлдашева. – Ушбу кредит маблағи ажратилган ер майдонининг қолган жойига иссиқхона қуриш ишига сарфланади.

Маҳалладаги Лолахон Раҳматуллаева хонадонидagi томорқа ҳам эътиборимизни тортди. Атиги бир сотих томорқада қад ростлаган иссиқхонада лимон ва мандарин етиштириляпти. Ушбу цитрус меваларнинг кўчатлари ҳам рисоладагидек парваришланяпти. 20 йилдан зиёд вақт давомида хонадон эгаларининг бу борадаги тажрибалари анчагина ортди. Ҳар йили баҳорнинг илк ойида кўшни қирғизистонлик харидорлар 1500-2000 та лимон ва мандарин ниҳолларини олиб кетадилар. Мана, даромадининг ўзи томорқачини излаб келаятганига исбот!

– Фаолиятни бошлашда, очиги, бошида иккинланганимиз, – дейди хонадон соҳибаси Лолахон Раҳматуллаева. – Бирок таваққул иш бошладик. Аста-секин даромад кира бошлади, ўзимиз ҳам жуда қизиқиш қолдик. Ўғлим, келиним билан бўш қолдик дегунча иссиқхонага кирамиз. Олаётган ҳосилимиз харидорлар, кўчатларимиз сара навли.

Оила соҳибасининг сўзлари исботини иссиқхонада қурдик. Барқ уриб пишган лимон ва мандарин дилни яшнади. Голландиядан келтирилган манзарали гул кўчатлари эрта-гақ тумани гуллар марказига айлангани шубҳасиз.

намунага арзийди. Очиги, ушбу оилалардан чиқиб, кайфият кўтарилди, руҳ энгил тин олганини ҳис қилдик. Лекин...

Гуруч курмаксиз бўлмади, деганларидек, ўзига бириктирилган ердан самарали фойда олишга айрим айрим юрдошларимизни кўриб кўнглимиз хижил тортди.

Маҳалладаги А. Саттаров хонадонидagi 8 сотих томорқа чиройли қолиқ қилинган. Ҳатто 4 сотих ерга картошка ва резаворлар уруғлари қадалган. Аммо... уруғ қадалганига анчагина фурсат бўлганига қарамай, қолган ер майдони бўш! Хонадон эгаси бу масалани айни кунда помидор ва бодринг кўчатлари харидига имконияти етмаётганини очик айтиди. О'zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши ҳамда депутатлар ҳамкорлигида ўтказилган амалий семинарда эзгу ишга қўл урилди. Фуқарога помидор ва бодринг кўчатлари топширилиб, экишга кўмаклашилди.

Яна бир фуқаро Валишер Умурзақовнинг янги хонадонга кўчиб ўтганига кўп бўлмаган. 8 сотихдан иборат томорқаси бўм-бўш! Хонадон эгаси лимонарий қилиш истиғини билдирди. Унинг муружаати халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати М. Юлдашева томонидан қаноатландирилди.

Маҳалладаги ана бир нечта кам таъминланган оилаларда ҳам ушбу хайри тадбир давом этди.

Хурриятхон АБДУРАСУЛОВА, О'zLiDeP Қўрғонтепа туман Кенгаши аппарат раҳбари



лар билан олиб борилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Андижон вилоят Кенгаши бизнес тузилмалари ва фермерлар билан ишлаш бўлими ҳамда "Аёллар қаноти" ҳамкорлигида туманининг айни маҳалласидаги "Томорқа – очил да-стурхон" амалий семинарида

ривожлантириш учун ажратилди. Майдоннинг 4 сотих ерида аллақачон замонавий иссиқхона қад қўтарган. Унда туманининг ободонаштирилиши учун парваришланаётган турли гул ниҳоллари дилни яшнади. Голландиядан келтирилган манзарали гул кўчатлари эрта-гақ тумани гуллар марказига айлангани шубҳасиз.

Ақлнинг чархи-ю, гайратнинг қайроғи

О'zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши тажрибали томорқачиларнинг билим ва маҳоратини оммалаштиришга қаратилган ишларни изчиллик билан давом эттиряпти. Яқинда Қўшқўпир туманининг "Опоқкальа" маҳалласида истиқомат қилувчи Озод Бекчанов хонадонига ўз томорқасида фаолият бошламоқчи бўлганлар учун мастер-класс ташкил этилди.

Хонадон соҳибни йиғилганларни иссиқхона билан таништириди, амалда қўллаётган иш услублари, етиштирилайтган махсулотлар ҳақида маълумот берди. Тадбиркорнинг айтишича, бундан олг

йил аввал томорқасида учта иссиқхона барпо қилган. Арзон ашёлардан оддий, жўн усулда қурилган иссиқхоналарга кўп маблағ сарфланмаган. Ҳар йили 100 мингта яқин гул ва поллиз экинлари кўчатлари етиштириляпти. Даромад ҳам шунга яраша бўляпти. Оила аъзолари асосан иссиқхона юмушлари билан шуғулланади. Бундан ташқари, маҳалладаги бир неча йигит-қизнинг ҳам бандлиги таъминланган.

Ҳозирда помидорнинг "Белла" нави уруғидан кўпайтириляпти. Яхши парваришланса, мазкур навининг бир тупидан 4 килогра ҳосил олиш мумкин. Бир сотихга эса 350 туп помидор кўчати экилади.

– Ер астойдил тер тўқанлардан сажоватини аямайди, – дейди Озод ака. – Иссиқхона яхши даромад келтиради, лекин

унинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам бор. Муҳими, машаққатларни сабр-тоқат билан енгиб ўтиш, муаммоларга дуч келганда бўшамастик керак. Қолаверса, донолар айтганидек, қийинчиликлар ақлнинг чархи-ю, гайратнинг қайроғи бўларкан.

Тадбиркор ён қўшиси Раҳимбой Мирзаева ҳам томорқачиликнинг сир-асрорларини ўргатяпти. Раҳимбой ака ҳам иссиқхона тиклаб, 200 туп помидор, 150 туп бодринг парваришламодди.

Қайд этиш зарурки, Қўшқўпир туманидаги "Иттифок" маҳалласида 80 нафар, "Оқдарбанд" маҳалласида эса 70 нафар фуқаро томорқаларида иссиқхоналар қурган.

Русланбек РАҲИМОВ, О'zLiDeP Қўшқўпир туман Кенгаши аппарат раҳбари

мулоқот ўтказишни жоиз топмади. Унинг айтишича, кўпгина хонадон эгалари бўлар-бўлмасга шикоят қилишни ўзларига "қасб" қилиб олган эмиз.

Кўп қаватли уйлар томон йўл олдик. Бизга 75 "А" ва 75 "Б" уйлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилганлигини айтишганди.

– Мен 75 "А" уйнинг 3-хонадонига яшайман, – дейди Дилбар Холбекова. – Уйимизнинг Давлат дастурига киритилганидан хурсанд бўлгандик. Аммо қувончимиз узокқа чўзилмади. Томимизга қаранг: шиферлар янгиланди, лекин тарновлар ўрнатилмади. Оқибатда ёмғир сувлари уйимиз деворларини ювиб тушяпти. Уйнинг ташқи – фасад қисми тўла сувоқ қилиниб, пардозланиб, ранг берилиши керак эди. Аммо "уддабурон" усталар эски сувоқ ва бўёқлар устидан цементли сувоқ қоршмаларни номига суракб чиқяпти. Бу "қоплама" йиғирма кунга етмасдан биринчи ёмғирдаёқ тўкилиб тушди. Уй олдиға ўрнатилган темир эшиклар қулф-қалитсиз ҳолатда қолиб кетди. Қурилган хожатхоналарнинг, айтишгаём уялади киши, эшиги

йўқ. Янги шиферлар шамол пайтида жойидан кўчиб кетди. Маслаҳатлашиб, шифер устига тош бостириб қиддик...

– 75 "Б" уйнинг 10-хонадонига истиқомат қиламан, – дея сўхбатга қўшлади Шоҳиста Мама-раҳимова. – Уйларимиз олтидан канализация учун дея хандақлар қазиб кетишганига икки ой бўляпти, ҳаммиси ёмғир сувиға тўлган. Болаларимиз чўқурға тушиб кетишидан қўрқиб, кўчаға чикармаймиз. Кўп қаватли уйлар оралғиға болалар уйингоҳини қуришган. Бироқ бу майдонча лоақал шағал билан қопланмаган. Уйнайм деб чиққан фарзандларимизнинг уст-боши чанг ё лойға беланяпти. Устиға-устак биздан мажбурий бадал тўловини талаб қилишяпти. Нима учун? Биргина том ёпиш ишларига 29 миллион, темир эшикларга 2 миллион, фасад қисмиға эса 30 миллион сўм сарфланганимиз. Фарҳод Уроловға лойиха сметасини кўрсатинг, десак кўрсата олмади. Сифатсиз ишлар учун нега пул тўлашимиз керак? Ҳозир биз – хонадонлар эгалари вилоят, республикадаги юкори идораларға тимасдан арз-доимидани ёзиямиз. Зора, муаммоларимиз ечими топилса...

Шу кунларда О'zLiDeP Фарғона вилоят Кенгаши ҳамда унинг таркибига кирувчи партия туман ва шаҳар ташкилотлари жойларда томорқадан самарали фойдаланиш бўйича кўргазмали семинарлар ўтказяпти.

Партия тузилмалари ходимлари, депутатлар, қуйи бўгинлар етакчилари уйма-уй юриб, "О'zLiDeP бошланғич ташкилотлари ўз томорқасида фаолият бошлаганларға кўмақдош" лойихаси доирасида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боришяпти, томорқа соҳибларига ҳар жиҳатдан ёрдам беришяпти. (Масалан, депутатларимиз муҳтож оилаларға дархот кўчатлари бепул тарқатилишиға бош-қош бўлишди). Мазкур лойихаға маҳаллий ҳокимлик, тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳам жалб этилди. Ишчи гуруҳи ўз фаолияти давомида шу йўналишға доир маълумотларни тўплайтгани, уларни умумлаштириб, тегишли хулосалар чиқараётгани эътиборға молик.

Қувасой шаҳрида аҳоли тасарруфидаги томорқалар жами 889 гектарни ташкил қиладди. Ҳатто 302 та хонадонда иссиқхоналар барпо қилинди. Уларни қуриш учун "Ҳар бир оила – тадбиркор" Давлат дастури доирасида тижорат банкларидан одамларға 495 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилганини қайд этиш зарур. 1 миллиард 360 миллион сўм эса томорқа эгалари ҳисобидан сарфланди.

Фаоллар томорқасидан унумли фойдаланаётганлар тажрибасини оммалаштиришға ҳам алоҳида эътибор қаратишяпти. Хусусан, ана шундай хонадонларда бошқа кўча ва маҳалларда яшовчи, ўз ерида тадбиркорлик қилишға иштиёқманд инсонлар иштирокида сўхбатлар ўтказияпти.

Шаҳарнинг Нурли йўл кўчасида истиқомат қилувчи Тўлқинжон Максимов шахсий томорқаси орқали даромад топиб, ўзига ҳам, ўзгаларға ҳам наф келтираётган омилкор юрдошларимиздан. Ҳўлисидаги 5,5 сотих ерда 2 та иссиқхона ташкил этган.

– Гўшт сотиб олишға эҳтиёж сезмаймиз, – дейди оила соҳибини Тўлқинжон Максимов. – Балиқ боқиладиган ҳовузимиз бор. Эҳтиёж-жимиздан ортан парранда ва балиқни бозорда сотаямиз. Оилаимизнинг баракаси, ризиқи шундан. Уй қурдик, машина олдик. Муҳими, фарзандларимиз меҳнатта ўрганипти, машаққат билан топишнинг қайроғи етляпти.

Ишчи гуруҳи Бешариқ туманидаги "Рапқон" МФЙ ҳудудида яшовчи Дилмурод Абдусалиев хонадонида ҳам бўлди. Бу оила томорқасидаги иссиқхоналарда помидор, бодринг, цитрус мевалар етиштириб, катта даромад оляпти. Тадбиркор яратган бир янгилик фаоллар жалб қилди. Гап шундаки, хонадон соҳиблари томда кўчат парваришлаб, сотиш орқали ҳам яхши фойда олишяпти.

– Мол-қўй боқиладиган оғилнинг юкори қисми эрта баҳордаёқ йиғиб қўйилган хашақлардан бўшайди, – дейди Д. Абдусалиев. – Унинг кеч кузға қадар бўш туришиға қараб тура олмадим. Шароитдан келиб чиқиб, ичмам, энгил вазнли иссиқхона қурдик. Қоғоз ва целлофан идишларда 3 минг тупдан ортиқ помидор кўчати ва Россиядан олиб келинган, тўрт фаслда ҳам мева туғадиган қулупнай нави – "Романтальный" ни ҳам томда кўпайтириямиз. 10 турдаги хонақи гуллар, қўчат етиштириши ҳам қанда қилмаямиз. Бундан ташқари, ҳар йили биргина лимондан 30 миллион сўм даромад оламиз. Лимон кўчатлари остида булғор қалампери ва тарвуз кўчатлари етиштираёмиз. Тажриба сифатида апелсин кўчати ни ўй шароитида парваришляяман. Бу йил нишонна бериб, бир донна мева туғди.

Тошлоқ туманидаги "Чек" маҳалла фуқаро-

лар йиғини ҳудудида 3 800 дан зиёд фуқаро истиқомат қиладди. О'zLiDeP фаоллари МФЙ раиси ҳамроҳлигида 5 та кўчадаги хонадонларға ҳам киришди. Бу жараёнда ерининг умрини беҳуда совураётган оилаларға ҳам дуч келишди.

– Ҳатто йили редиска ва саримсоқлиёз етиштириб сотишдан 9 миллион сўм фойда кўргандик, – дейди Ҳавас кўчаси, 169-уйда яшовчи Фозилжон Режабов. – Лекин маҳалламиздаги ҳамма оилалар ҳам томорқадан унумли фойдаланмаяпти.

Маҳалла раисининг айтишича, томорқасини ўт-ўлан босиб ётган бир оила кам таъминланган, иккинчиси боқувчисини йўқотган, учинчисининг фарзандлари ишлаш учун хорижға кетган. Шундай, кимдир ичмамгина иссиқхонадан йилға 15-18 миллион сўм даромад олади, кимдир унумдор ерни қаровсиз қолдириб, чет элга жўнаб кетади.

Ҳатто ҳафтада "Чек" МФЙда туман ҳокимлигининг ишчи гуруҳи фаолият бошлади. Ишчи гуруҳ аъзолари хонадонна-хонадон юриб, "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида тушунтириш ишларини олиб боришяпти. Мазкур жараёнда ҳудуддаги бирорта оиланинг томорқаси бўш қолмаслиғи кўзда тутиляпти, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларға ҳомиёлар бириктириляпти. Томорқасидан самарали фойдаланишга оилалар билан алоҳида ишлаш тартиби жорий этилмоқда. Сафдошларимиз ҳам бу ишларға ҳисса қўшишға астойдил бел боғлашган.

Қўштепа туманининг "Борат", "Каттасой" МФЙ ҳудудларидаги хонадонларға ҳам О'zLiDeP фаоллари кириб борди. Учрашувларда томорқадан унумли фойдаланиш масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди, махсус қўлланмалар тарқатилди. Мулоқотлар мобайнида фуқаролар турли-туман муаммоларни ҳам тилға олдилар. Масалан, "Борат" МФЙ ҳудудида яшовчилар мактабча таълим муассасаси хароба аҳволда эканини қуноиб гапирдилар. "Каттасой" маҳалласида истиқомат қилувчи Юсуфбек Каттабеков эса қорамол боқиш учун банкдан 25 миллион сўм микдоридаги кредитни ололмаётгани ҳақида сўз очди. Ана шу ва бошқа муаммолар бўйича тегишли ташкилотларға депутатлик сўрови йўланди.

"Борат" маҳалласида яшовчи Ҳолиқовлар оиласини томорқачилик бобида кўпчиликка намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Бу оила 15 сотих томорқада қиш мавсумида турли қўчатлар етиштириб, 20 миллион сўм даромад олди. Булғор қалампери, редиска, баҳорги шолғом яқин кунларда сотувға чиқарилди. Жанубий Кореядан келтириб боқилаётган 10 бош зотдор қорамол ҳам хонадонининг қўшимча даромад манбаидир.

Шу ўринда ўтган йили вилоятда ўз томорқаларидан фойдаланишни истаманган 250 дан ортиқ хонадон аниқланганини қайд этиш зарур. Уларға нисбатан сўнги чора – томорқадан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси қўлланилди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбари томонидан томорқа хўжаликлари фаолияти самарадорлигини оширишға йўналтирилган бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалға ошириш тўғрисидаги қарори улкан аҳамиятға эға. Ушбу дастур "томорқада сидқидилдан меҳнат қилиб нафат ўзимнинг, балиқ элимнинг фаровонлиғиға ҳам муносиб ҳисса қўшаман" деган одамлар учун барча имкониятлар эшигини очиб берди. Энди ҳамма гап ана шу беқийёс имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланишда қолган.

Нафиса ЭЛЧИЕВА, О'zLiDeP Фарғона вилоят Кенгаши аппарати раҳбари

Ажаб ҳангомалар

Уйлар, муаммолар "кўп қаватли"

Тегишли қоғозлар кўздан кечирилса, Галлаорол туманининг "Қўйтош" шаҳарча фуқаролар йиғини ҳамда "Хонимкўрғон" кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида "Обод кишлоқ" дастури бўйича олиб борилган қурилиш-ободоналаштириш ишлари бекаму кўст якулилангани аён бўлади. Аммо қоғоздаги гаплар билан реал воқеалик бир-бирига мосми? Ҳамма гап ана шунда!

Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари ҳамроҳлигида шаҳарчани айландик. Бир қанча уйлар, биноларнинг деворлари яқиндагина сувоқдан чиқарилган бўлса-да, ёмғир сувларида ювилиб, кўчиб кетибди. Йўллар чала асфальт қилинган, сув ўтказувчи лотоклар ўрнатилмаган. Пиёдалар йўлға ҳам қурилмаган. Хуллас, белгиланган ишлар палла-партиш бажарилган.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш хизмати бошлиғи Фарҳод Уролов уй-жойларнинг ҳолатини бизға кўрсатишни, аҳоли билан бевосита

мулоқот ўтказишни жоиз топмади. Унинг айтишича, кўпгина хонадон эгалари бўлар-бўлмасга шикоят қилишни ўзларига "қасб" қилиб олган эмиз.

Кўп қаватли уйлар томон йўл олдик. Бизга 75 "А" ва 75 "Б" уйлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилганлигини айтишганди. – Мен 75 "А" уйнинг 3-хонадонига яшайман, – дейди Дилбар Холбекова. – Уйимизнинг Давлат дастурига киритилганидан хурсанд бўлгандик. Аммо қувончимиз узокқа чўзилмади. Томимизга қаранг: шиферлар янгиланди, лекин тарновлар ўрнатилмади. Оқибатда ёмғир сувлари уйимиз деворларини ювиб тушяпти. Уйнинг ташқи – фасад қисми тўла сувоқ қилиниб, пардозланиб, ранг берилиши керак эди. Аммо "уддабурон" усталар эски сувоқ ва бўёқлар устидан цементли сувоқ қоршмаларни номига суракб чиқяпти. Бу "қоплама" йиғирма кунга етмасдан биринчи ёмғирдаёқ тўкилиб тушди. Уй олдиға ўрнатилган темир эшиклар қулф-қалитсиз ҳолатда қолиб кетди. Қурилган хожатхоналарнинг, айтишгаём уялади киши, эшиги

йўқ. Янги шиферлар шамол пайтида жойидан кўчиб кетди. Маслаҳатлашиб, шифер устига тош бостириб қиддик...

– 75 "Б" уйнинг 10-хонадонига истиқомат қиламан, – дея сўхбатга қўшлади Шоҳиста Мама-раҳимова. – Уйларимиз олтидан канализация учун дея хандақлар қазиб кетишганига икки ой бўляпти, ҳаммиси ёмғир сувиға тўлган. Болаларимиз чўқурға тушиб кетишидан қўрқиб, кўчаға чикармаймиз. Кўп қаватли уйлар оралғиға болалар уйингоҳини қуришган. Бироқ бу майдонча лоақал шағал билан қопланмаган. Уйнайм деб чиққан фарзандларимизнинг уст-боши чанг ё лойға беланяпти. Устиға-устак биздан мажбурий бадал тўловини талаб қилишяпти. Нима учун? Биргина том ёпиш ишларига 29 миллион, темир эшикларга 2 миллион, фасад қисмиға эса 30 миллион сўм сарфланганимиз. Фарҳод Уроловға лойиха сметасини кўрсатинг, десак кўрсата олмади. Сифатсиз ишлар учун нега пул тўлашимиз керак? Ҳозир биз – хонадонлар эгалари вилоят, республикадаги юкори идораларға тимасдан арз-доимидани ёзиямиз. Зора, муаммоларимиз ечими топилса...

92-, 93-, 94-, 95-, 96-, 97-сонли кўп қаватли уйларда ҳам шу сингари аҳволни кўрдик.

Туман ҳокимлигининг мазкур дастур ижроси юзасидан амалға оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотномасиға ана назар ташляймиз: "Қўйтош ШФЙ да жойлашган 16 та кўп қаватли уйнинг 11 970 кв.м. мукаммал таъмирланди. 7 та уйнинг фасад қисми, 28 донна кириш қисми йўлаклари тўлиқ таъмирдан чиқарилди". Лекин гувоҳи бўлганимиздек, аксарият уйларнинг кириш қисми ҳамда йўлаклари таъмирланмаган. "14 та уйнинг ертўла қисмида муҳандислик-коммуникация тармоқларини таъмирлаш ишлари бажарилди". Бу гап ҳам, юмшоқ қилиб айтганда, ҳақиқатдан анча йироқ. "Уй олд қисмидаги йўлакларнинг 1 730 кв.м, уй атрофидаги йўлакларнинг 1 225 кв.м. таъмирланди". Бу ишлар аспида чала бажарилган. Маълумотномада, шунингдек, 463 фуқаро доимий иш билан таъминлангани, 415 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинганлиғи қайд этилган.

– Қарийб ўттиз йилдики, шаҳарчамиздаги одамларни иш масаласи қийнайди, – дейди 75

"А" уйда яшовчи Нозима Аввалбоева. – Қўйдан иш келадиганларнинг ҳаммаси чет элларға иш қидириб кетган. Ногирон бўлса-да, ўғлим Баҳром (II гуруҳ ногирони, эшитиш ва гапириш имконияти чекланган) Жиззах шаҳриға мардикорчиликка кетганди. Томдан сирганиб кетиб, қўлини синдирибди. Яқин-атрофда иш бўлса қанийди. На маҳалла, на бошқалар ҳолинг не, деб сўрайди...

Албатта, иш бор жойда камчиликлар ҳам бўлади. Лекин, фикримизча, масъулиятсизликни, ҳўжақўрсиниға иш бажариб, ҳам жамоатчиликни, ҳам ўзларини алдай, давлат дастури ижросини турли баҳоналар билан хаспўшлаб бўлмайдди. Аҳоли бежиз норози бўлаётгани йўқ. Зеро, андишади, сабр-тоқатли юрдошларимиз шунқича камчилик билан атайин қилинган гирромлик, сохтагарчиликни ажрата олади. Демак, мутасаддилар шикоятлардан тегишли хулосалар чиқариб, бу йўналишдаги ишларни қайта кўриб чиқишлари, юзага келган аҳволни ўнглашлари лозим.

Шароф СУЛТОНОВ, журналист

Қодир бахши қадр топдимми?!

Билганим, 1986 йили қирчиллама 49 ёшида дунёдан ўтган Қодир бахши Раҳимов Москва ва Парижда ўтказилган VII ва VIII халқ ижодиёти халқаро конгрессларида совриндор бўлган. 1982 йили эса Олмаотада ташкил этилган “Шарқ халқларининг дoston мусикаси” мавзусидаги анжуманда “Алпомиш” дostonини ўттиздан зиёд куйда ижро этиб, нуфузли давра аҳлини хайратга солган. Шундан кейин бахши Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган. Шу, холос.

Билмаганим, унинг ҳаётлик маҳалида айтган қирққа яқин дostonлари, неча юзлаб термалари ҳақида муфассал, мукамал илмий-бадий мақолалар ёзилмаган (айрим олимларнинг илмий тадқиқот ишлари бундан мустасно, албатта). Афсусланарлиси, “Алпомиш” дostonининг Қодир бахши айтган нодир варианты ҳалигача топилмаган...

Бу ёғини биздан эшитинг. Афсонавий Қодир бахши билан боғлиқ унутилмас бир воқеага шахсан ўзим гувоҳман. 1977 йил эди, адашмасам. Китоб туманидаги мўъажзагина қишлоқда Оркил бригад тилаб олган ўғлига суннат тўйи берди. Ушанда 8-синфда ўқирдим. Пешин маҳали шов-шув бошланди: “Қодир бахши кепти тўйга, “Алпомиш”ни айтариш...” У маҳаллари кечкурун кураш бўларди. Кун совук. Уртада олов ёқилган. Давра ўртасида бахши дўмбира чертиб нола қилаётди. Каттаю кичик сеҳрланган кўйи дoston ичида яшарди, гўё. Кимдир пиқ-пиқ йиғлар, яна кимдир чоғга тушган Алпомишга кўмак бергиси келарди...

Бир маҳал баковулнинг хайкиригидан давра қалқиб тушди: “Бахши бова, кеч бўл кетди, олти соатдан бери дам олмай айтмасиз, курашни бошловмаймиз ахир, илтимос, дostonни эртанга қолдириң!”.

Қодир бахши оғир тин олди. Пиёладаги совиб қолган чойни хўпларкан, “Бовурларим, полвонлар кутиб қолди, қани, дуо беринглар, шул жигитларга Алпомиш бобларининг руҳлари мададор бўлсин!” дея одамларни курашга чорлади...

1985 йили эса Ғузор туманидаги Яргунчи қишлоғида бўлган тўйда “Ойчинор” ва “Ойша” дostonларидан парчалар ва бошқа соф халқона термаларни куйлаганида... оддий, соддадил, кўнгли ярим одамларнинг Қодир бахшини қучоқлаб йиғлаганларини кўриб хайратга тушганман. Орадан бир йил ўтган, унинг кутилмаган ҳалокат туфайли қазо қилганини эшитдим кўнглим бузилди, устухоним эзилди. Алпкелбатли, ўзининг мушдай юрагига заҳматкаш халқимизнинг дарду ҳасратларини кўмиб яшаган бахшининг қадрига нега тиркилигида етмадик, шундай иқтидор соҳибини нечун асраб-авайламадик, энди-чи, ўрнини ким боса оларкин, деган аламли саволларга жавоб излаганман. Бу сўроқ ўттиз уч йилки, ҳамон юрагимни ўртади.

2000 йиллар эди. Улуғ шоиримиз Абдулла Орипов билан кечган гурунлардан бирида Қодир бахшининг мероси, унинг ўзбек дostonчилигидаги тарихий ўрни ва ниҳоят қадр-қиммати жойига қўйиш масаласи кўтарилди.

Абдулла ака ўшандаёқ бор ҳақиқатни айтди-қўйди: “Қодир бахши, тан оламизми, тан олмаймизми, юз йилда бир марта келадиган улкан ижодкор, зукко бахши-шоир. Унинг ютуғи халқчиллигида эди, дoston-термаларини ёдламасди, юрагидан тўкиб кетаверарди. Ҳақиқий халқ бахшиси шундай бўлади”.



Эшқобил ШУКУР, шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

– Қодир бахши қирққа яқин дoston айтгани ҳақида эшитганимиз. Бу ҳазилакам рақам эмас. Унинг талқинидаги “Алпомиш” биз шу кунгача билган, ўқиган, эшитган дostonлардан анча фарқ қилади. Нега десангиз, бахши халқимизнинг чинакам эпосига ижобий маънода янгилашлар киритган, кўп нарса қўшган. Алпомишнинг ўзига хос маҳобати, унинг бор куч-қудратини аниқ намоён эта олган. Лекин энг катта муаммо – Қодир бахши айтган “Алпомиш” варианты тиклаб бўлмапти. Тўпалгича ёзиб олинганми-йўқми, номасълум. Аммо бахшини чин дилдан севган, ардоқлаган инсонларда қайсибир шаклда сақланиб қолган бўлиши мумкин. Ассийси, унинг ижросидаги “Алпомиш” варианты топилса, бу маънавий ҳаётимизда тарихий воқеа бўлар эди, деб ўйлайман.

Яна бир оғриқли муаммо ҳам ўз ечимини кутиб ётибди. Бир пайтлар Миллий университетнинг ўзбек филологияси талабалари амалиёт даврида вилоятларга чиқиб, бахшилар ва кексалардан халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиб, тўплашарди. Бу анъана кўпдан бери тўхтаб қолганми дейман. Алишер Навоий номидидаги Ўзбек тили ва адабиёт университети талабалари давом эттирсалар, хайрли иш бўларди.

1998 йили “Алпомиш”нинг 1000 йиллиги тўйи арафасида Термизга бордим. Алломасифат шоир, адабиётимизнинг асл қонқуяри Шафоат Раҳматулло Термизий билан кўришиб, Шеробод дostonчилиги мактаби анъаналари ва бу азим дарёнинг вакиллари ижоди, қолаверса, ҳаёт кечмишлари ҳақида ҳам сўзлашдик. Гап айланиб, Қодир бахшига келиб тақалганида раҳматли Шафоат ака бир зум маҳзун тортиб қолганди: “Нимасини айтасиз, иним, улуғларнинг улуғлиги бу дунёдан ўтиб кетганидан кейин англандар экан-да. Мен фольклоршунос эмасман, фақат халқ оғзаки ижодидан озгина бохабар одам сифатида айтадиган бўлсам, Қодир бахши жуда катта мактаб яратиб

кетди. “Ёдгор”, “Ширин билан Шакар”, “Зайдиной”, “Ойчинор”, “Келиной”, “Жорхун мастон”, “Мисқол пари”, “Равшанхон”, “Ёзи билан Зебо”, “Олпаназар Олчинбек”, “Олтин қобок”, “Нурали”, “Малла савдогар”... бу рўйхат жуда узун, қани энди, уларни пухта ўрганиб, чуқур тадқиқ эта оладиган олимлар йўқми, деб ўйлаб қолман. Биламан, Сурхону Қашқадарёда ҳам бахшининг ашаддий мухлислари беҳисоб эди. Эшитганим, Термиз атрофларида магнитофон кассетасига Қодир бахшининг дostonларини, айниқса, бутунлай бошқача талқинда айтилган “Алпомиш”ни ёзиб олган отахон бор дейишарди. Журналист Олимжон Усанов билан ҳам кўп марта суриштирдик, топилмадик. Агар ана шу бебаҳо бойликни тополсак, армоним қолмасди”, дегани ҳалигача эсимдан чиқмайди.

Жаббор ЭШОНҚҮЛ, филология фанлари доктори:

– Қодир бахши Раҳимов Булунгур ва Қўрган дostonчилиги мактаблари анъаналаридан ҳам ўрганган. Масалан, “Кунтуғмиш”ни Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олиниб нашр этилган китобини ўқиб, жонли оғзаки ижрога киритган. Қодир бахши, тўғриси айтганда, ҳаётлик вақтида элнинг эъзозидан юрган, лекин дунёдан ўтганидан кейин ижодий мероси қадрланмади. Дostonни тинлаш керак, жонли ижроси билан зўр. Китобдан ўқиш бошқа нарса. Афсуски, Қодир бахши ҳаётлигида дoston ва термаларини магнит тасмасига туширишга кўпда эътибор берилмаган.

Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари шу-да. Мана, энди аттанг қилиб ўтирибмиз. Бахшидан ёзиб олинган “Жорхун мастон” ва “Ойчинор” дostonларини Туркияда икки тилда нашр эттирдик. Икки марта. Жуда яхши кутиб олинди. Яқинда бўлиб ўтадиган Халқаро бахшичилик санъати фестивалига турк ҳамкасбларимиз ўша китобларни олиб келмоқчи. Президентимиз ҳам халқ дostonларини катта тиражда нашр эттириб, халқимизга етказиш кераклигини уқтирмоқда. Маҳаллий раҳбарларимиз ҳам ўрнак олса, яхши бўларди.

Тоштемир ТУРДИЕВ, филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

– “Алпомиш” дostonини Фозил Йўлдош ўғли, Бобо шоир, Мардонақул бахши, Хушбоқ бахши ва Абдуназар бахши гўзал талқинда

айтган. Қодир бахши вариантини, тўғриси, парчалар эшитганман-у, кўрмаганман, ёзиб олинган деган гаплар юради. Суюкли бахшимиз айтган дoston тўлиқ ва аслиятга яқин бўлганига шубҳам йўқ. Умуман олганда, ўзбек бахшичилик салтанатида Қодир бахшига ҳофизалик (овоз, оҳангдорлик, халқона руҳ) бовида тенг келадигани йўқ эди. Сурхондарёга, Деновга келса, ҳар доим мени йўқларди. Бир воқеа ҳалиям эсимдан чиқмайди. У маҳаллари райисполкомда ишлардим, боғимизга кириб бир пиёла чой устида Қодир бахшини эшитардик. Унинг микрофонсиз жарангдор овозини эшитган заҳоти идорадаги 20-30 оғли ходимларни-ку кўяверинг, кўчадан ўтиб-қайтаётган оддий одамлар билан каттақон бог тўлиб кетарди. Ўзига хос оҳанрабои бор эди. Дўмбира йиғларди, бахши йиғларди, томошабин ҳам сел бўлиб кетарди. Ана сизга ҳақиқий халқ бахшисининг сурати ва сийрати.

Артистлар ўз йўлига, лекин қайси замонда бахши дегани тўй-томошада пешонасига пул қистиртириб, эстрада усулида дўмбира чертиб, ўйинчи ўйнатган экан, билганлар айтсин? Бу кўрилик кейинги даврларда урфга айланди.

Бахши дегани давра ўртасида ўтирволиб дoston айтган, халқ термаларини куйлаган. Ҳозир билмайман, халқ бахшиларига қандай талаб, мезонлар қўйилади, лекин бурунги даврда, энг аввало, халқнинг ўзи “Алпомиш” дostonини билмагани бахши деб тан олмаган. Демак, энди бу борадаги талабларни кучайтириш, ўзгартириш пайти келди.

Ўзбек дostonчилигида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммад Жонмурод ўғли Пўлкан, Ислом Назар ўғли, Бобо бахши, Шерна бахши, Хушбоқ бахши каби тенгсиз даргалар бисёр. Улар орасида биз бугун хотирлаётган Қодир бахшининг ҳам, шубҳасиз, муносиб ўрни бор. Уйламанки, халқимизнинг асрлардан асрларга ўтиб келадиган қадим анъаналарини дунёга танитган бахшининг ўлмас овози, бой ижодий мероси, муҳими, мувожаз номи юксак даражада қадрланшига арзийди.

Худойназар ДЎСТҚОБИЛОВ, “Ўзбекистон 24” телерадиоканали директори ўринбосари:

– Қодир бахшининг айтимларини болалигимда эшитганман. Ҳалиям ўша соҳир овозни соғинаман, излаётман, йўқ, тополмайман. У киши ёниб, жўшиб ижод қилган шўролар замонида Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош, Пўлкан шоирларнинг доврўғи ниҳоятда баланд эди. Менинг назаримда, Қодир бахши 1970-1980 йиллар ўзбек фольклоридан тақдорланмас ҳодиса бўлган. Бундай овоз, услуб, йўналиш ҳатто таникли фольклоршуносларни ҳам доврдатиб, ўйлантириб қўйгани ҳақиқат. Шунинг учун ҳам Қодир бахшидаги улкан меросни ҳадеганда тан олдилари келмади. Оқибатда ушбу факултада истеъдод соҳибининг ижоди етарли даражада ўрганилмади.

Ҳалигача эсламан, 1985 йили оловқалб ижодкор, раҳматли Урол Ўтаевнинг фидойилиги туфайли “Ўзбекистон” телевидениеси орқали Қодир бахшидан ёзиб олиниб эфирга узатилган кўрсатувни бизнинг Тоғайтемир қишлоғимиз аҳли киприк қоқмай кўрган. У пайтлар бир қишлоқда уч-тўрт телевизор бўларди. Миллий телерадиокомпаниянинг телевидение ва радио-эшитиришлар архив фондида бор-йўғи 28 дақиқа, яъни “Алпомиш” дostonидан 23, “Келиной” дostonидан 5 дақиқасига бизгача етиб келди.

Қодир бахшининг иқтидорли фарзандлари



Абдуқаҳҳор бахши, Абдумурод бахшилар ҳам оталари изини босаётганига шубҳам йўқ. Шу ўринда бир мулоҳаза, улкан оиланинг яна бир оташнафас вакили Баҳром бахшини ҳам аллақачон катта давраларда кўриш вақти етди, деб ўйлайман. Боси, айнан ана шу истеъдодли бахшининг ижодини кузатсангиз, унда ҳам бизлар соғинган Қодир бахшининг сеҳрли овози сезилади.

Қодир бахшининг хотирлаш қобилияти, туғма истеъдоди, қувваи ҳофизаси фавқуллода кучли эканлигига кўпчилик гувоҳ. Қўйингли, ўша Париж ёки Олмаотада, бу ёғи Тожикистонга турман тупроғида бўлиб ўтган анжуманлар, тўй-томошаларда ҳам Қодир бахшининг чин юракдан ёниб, жўшиб куйлаган дostonу термаларини эслапмиз. Шу ўринда ҳақли саволлар туғилади: хўш, унинг бой ижодий меросига оид намуналар қай даражада сақланиб қолган? Китоб ҳолидами, пластинка, магнит тасмаси, кассета ё дисклардами, қай бири тўлиқ кўчирилган? Ул-бул манбаларда қайд қилинган саноклигина дostonлардан парчалар, айрим термаларидан бошқа нимаси бор? Тасаввур қилинг, бугун дунёда тан олинган ва бундан неча асрлар аввал яшаб ўтган ижодкорларнинг мероси топиб ўрганилганми, илмий тадқиқотлар олиб бориляпти. Бор-йўғи ўттиз уч йилгина бурун дунёдан ўтган Қодир бахшидан эса фольклор дурдоналарини ёзиб олишда сусткашлик қилганимиз. Бу хатолар учун энди ҳеч ким жавобгарликни бўйнига олмайди. Бугун-чи? Нега ҳамон томошабинлик қилиб ўтирибмиз? Орта-индин Термизда бошланган Халқаро бахшичилик санъати фестивалида дунёда доврўғи таратган оқини жиравлар қаторида Қодир бахши Раҳимовни ҳам йўқласак, савоб бўлади-ку! Бу масалани масъул вазирлик ва идоралар ўйлаб кўриши керак эмасми?

Навбатдаги эътирозимиз Қашқадарё вилояти ҳамда Бовошота бахши туғилиб ўсган Дехқонобод тумани ҳокимлиги мутасаддиларига тегишли. Қодир бахшининг орамиздан кетганига чорак асрдан зиёд вақт ўтди. Ўзбек бахшичилик санъатида ўзига хос мактаб яратган Қодир бахши Раҳимовнинг ўлмас хотирасини абадийлаштириш учун шу пайтгача қандай амалий ишларга қўл урилган?

Бизнингча, мақтангулик ҳеч нарса қилинмаган. Унинг таваллуд топган қишлоғи ё сабоқ берган мактабиде ёки туман марказида уй-музейни ташкил этиш, халқимиз орасида сочилиб ётган ижодий меросини тўплаш борасида ўйлаш вақти келди. Бу кечиктириб бўлмайдиган хайрли вазифани вилоят ҳокимлиги удалашига ишончимиз комил.

Норқобил ЖАЛИЛ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Кетаёттир ойпариди...

“Келиной” дostonидан парча

Боз бозган-а, бозган-а, қилиқлари созғана. Лабига ярашади, чолса чанқовузғана. Ака деган товуши чанқовуздан созғана. Кетаёттир ойпариди гала қиздан илгариди.

Босган жойи миннатдор, босмаган жойи гинадор. Босиб ўтмаган жойлари босама дея умидвор. Кетаёттир ойпариди гала қиздан илгариди.

Жомоли тўлган ойдай бўб, суруедаги кўдай бўб. Уйноқлаб журган тойдай бўб,

Дирка-дирка тайлаши-я нишабдан энган кўдай бўб. Кетаёттир ойпариди гала қиздан илгариди.

Биқ-биқирдаб, биқирдаб, бақолоғи шиқирдаб, Бир-бир мўнчоқ тоққани журганида шақирдаб. Қобатида қизлари опа дейди қиқирдаб, Келаёттир ойпариди санамлардан илгариди.

Кўзлари хумор-хумор, зулпақлари зулхумор. Желкасига жорашар-о хийли тоққан кўзхумор. Кетаёттир ойпариди гала қиздан илгариди.

Баданининг оқлиги товеда турган қордай бўб. Шарпа олиб жўнаёттир сарбон торган нордай бўб. Бўйини тайлаб жўнайдиги жигитга кўнгли бордай бўб. Кетаёттир ойпариди гала қиздан илгариди.

Қадам тайлар буралиб, тол химчадай иргалиб. Ҳапамати кўксиде кўйлагига тиралиб. Кетаёттир ойпариди гала қиздан илгариди.

Тўбада тиккан уйини, кўтариб тутқан жийини. Уйдан сўлқиллаб чиққан сўнг олар бўйдоқнинг сўлини.

Тўбадан тайлар қимиллаб, шойи кўйлақ қимиллаб. Уни кўрган бўйдоқлар олти ой ётғудай инғиллаб. Кетаёттир ойпариди гала қиздан илгариди.

Қарши билан Ғузор-о, қийқувлашар қизлар-о. Қўлида даби-доира, минг нағмага созлар-о. Бўйида лаъл муноғчин, қандай йигит узар-о? Кетаёттир ойпариди гала қиздан илгариди.

Ёзиб олувчи: Ўқтам ҲАКИМОВ

Бозор ёнидаги озорлар

ёхуд “Кўйлик”даги ер ости йўли билан боғлиқ ажаб ҳангомаларнинг суратлардаги акси ва...



Ажабланманг, бу жойда ҳар куни аҳвол шундай – бакир-чакир, урхо-сур, қувган ким, қочган ким. Ишонмасангиз, нафақат Ўзбекистонда балки Марказий Осиёда ўзининг дизайни, меъморчилик услуби, кўйиники, барча қўлайликлари билан ягона дея эътироф этилаётган “Compass” савдо кўнгилоҳ маркази ёнидан “Кўйлик” бозорига олиб ўтувчи йўл ости йўлаги-туннелидан ё эрталаб, ё кечроқ бир ўтиб кўринг-чи! Эсон-омонгина ўтолсангиз, марра сизники, аксинча...

Хўш, савол берайлик мутасаддиларга: бутун гоҳи “ёйма бозор”, гоҳи маҳмадона, елимсифат учар кирақашу тиланчиталончиларнинг манзил-маконига айланиб қолган ЕР ОСТИ ЙЎЛИНИ ким, қайси идора назорат қилади? Солиқчилар дейсизми, йўқ, улар шу пайтгача бу “бошоғрик” муаммага ечим тошганларича йўқ. Унда ички ишлар идоралари вакилларими? Бизнинг суратчимизни жазавага тушиб ўраб олган бир гуруҳ оғзидан бодди кириб, шоди чиқаётган “ёймачи-чайқовчи” аёлларнинг орасидан зўрға олиб чиққан милиция ходимининг изоҳ беришича, бу “толқучкани ҳеч ким эпломлаётган” экан!

Пойтахтимиздаги исталган бозор ёнида машинада бўлсангиз, бир лахза тўхтаб кўринг: ердан чиқдими,

осмондан тушдими, билмай қоласиз, ИПХ ходими “Тўхташ тақиқланган жойда” тўхтаганингиз учун отнинг калласидай белгилаб қўйилган жаримага тортворади. Нима, “Кўйлик” бозори ёнида йўл-патруль хизмати соҳиблари йўқ дейсизми? Бор, албатта, лекин уларнинг ҳам Ер ости йўлининг икки тарафидаги ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга... қўллари (балки кучлари етмаётгандир) қалтлик қилаёттир!

Бозор тарафдаги йўлак устида безбетларча турволиб, “Бекобода бир киши”, “Тўйганага кетамиз” дея бакирса, у тарафда “Ипподром”, “Абу-Сахий”, “Бек Барака”, “Фарход” бозорига сал кам текинга оббориб кўямиз” дейди, ёхуд бурнингиз остида “доллар оламит, тилло кимда бор, танга-чи” деб турса, эсингиз оғиб қолади-да биродар!

Булар ҳали ҳолва, ўтинг ҳам азоб, қайтиш ҳам. Мабодо бозор-ўчарга тушган бўлсангиз, тамом, бир ярим метр ҳам чиқмайдиган (қолган жойни ёймачиларнинг тўрва-этақлари эгаллаб банд қилиб қўйган) йўлакчадан юрак ҳовучлаб ўтасиз.

Туннел остидаги аҳвол... Минг хил нарсасотиляпти: кийим-кечак, чала пишган қазни-картаю ҳатто суяккача, бу ёғи, йўлак ўртасига стол қўйволиб қўлбола атир-упа сотаётган ўқувчи болага турганиб кетасиз. Хуллас, одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Фақат бу эгасиз жойни кун бўйи минг азоб билан супуриб-тозалайдиган бечора фаррошларга ачиниблир кетасан, киши...

Тасаввур қилаясизми, ҳар куни юртимизга дунёнинг турли бурчакларидан минг-минглаб меҳмонлар келиб кетяпти. Уларнинг қанчаси шу кунгача энг сўнгги замонавий русумда бунёд этилган ҳашаматли савдо мажмуасини кизикиб томоша қилиб кетганлиги табиий. Хўш қайфиятда келган меҳмоннинг нигоҳи биз тасвирлаётган кўнгилоҳ манзараларга тушиб қолса... нима деб ўйлайди?!

Изоҳ эса энди ортикча... Шу жойда ҳозирча хулоса қилмай кута турамиз, ишни мутасаддиларга қўйиб берайлик-чи.

Ўз мухбиримиз



Ёшлар – келагагимиз

Мақсад аниқ, режалар улкан

Тошкент архитектура курилиш институти талабаси Муроджон Ўринов ўз олдида эзгу мақсадларни кўйгани боис тенгдошларига қараганда кўпроқ ютуқларни қўлга киритмоқда.

2016 йили талабалик бахтига эришган Муроджон Ўринов фанларни аъло даражада ўзлаштириши баробарида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, фан олимпиадалари ҳамда спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб келяпти. Натижада Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва институтимизнинг бир қатор диплом ва фахрий ёрликлари билан тақдирланди. Биринчи курсда эришган ютуқлари ва аъло баҳолари учун институти фахрига айланди. Тошкент шаҳридаги бир неча олий ўқув юртлирида ўтказилган конференцияларда мақолалари билан қатнашди.

Янги ўқув йили бошланган кунларда хушxabар келди. Муроджон Ўринов Олий ва ўрта махсус таълим ва-

зирининг буйруғига кўра Беруний номидаги давлат стипендиясига 2018 йилги ғолиблири сафидан жой олибди. Бу эътироф талабаниннг ғайратига ғайрат қўшди. Ўз мутахассислиги – коммунал инфратузилма ва уй-жой коммунал хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш бўйича илмий изланиш олиб бориб, келажақда шу соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшувчи лойиҳалар яратишга қарор қилди. Бунинг илк қадамлари сифатида Украинада ўтказилган халқаро конференцияда қатнашди. Муроджон хорижий тилларни ўрганишга ҳам жуда қизиқади. Ҳозирги кунда инглиз тилини мукамал эгаллаб, ўз мутахассислиги бўйича хорижда малака ошириб қайтишни режалаштирмоқда. Институтимизнинг педагогик жамоаси бундай изланувчан, интилувчан талабаларга камарбаста бўлишга ҳаммаша тайёр.

Шухрат АСҚАРХЎЖАЕВ,
Тошкент архитектура-курулиш институти ўқитувчиси

Меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси неча кунга?

Ходимни оила аъзоси бѳтѳб бўлганида уни парваришлаш учун қанча мuddатга меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси берилади?

Ш. Зокирова,
Уرғут тумани

Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 мартдаги буйруғи билан тасдиқланган “Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага мувофиқ амбулатория шароитида парваришга муҳтож бўлган ўн тўрт ёшдан катта беморни парваришлаш учун етти календарь кундан ошмаган мuddатга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.

Ушбу ҳолатда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бемор билан бирга яшаш ёки яшамаслиги ҳамда меҳнат

таътилида эканидан қатъи назар, беморнинг оила аъзолари ёки қариндошларидан бирига берилади. Амбулатория шароитида парваришга муҳтож бўлган ўн тўрт ёшга етмаган бемор болани парваришлаш учун унинг онасига ўн тўрт календарь кундан ошмаган мuddатга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади. Она бўлмаган ёки бѳтѳб бўлганда меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бемор билан бирга яшаш ёки яшамаслигидан қатъи назар, бошқа оила аъзоларига берилади.

Кадастр тўлови қанча?

Ер участкаларига кадастр ишини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун тўлов миқдорлари хусусида маълумот бериш?

Н. Бердиев,
Яккабоғ тумани

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги қарори билан тасдиқланган Кадастр ишини тайёрлаш ва кўчмас мулк объектларига кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилаш тартибига мувофиқ, ер участкаларига кадастр ишини тайёрлаш ва

кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш учун куйидаги миқдорларда тўлов ундирилади:

- Ер участкасини ажратиш бўйича иш мавжуд бўлган яқка тартибда турар жой қуриш учун ажратилган ер участкаси – бѳпул;
- деҳқон хўжалигини юритиш учун ажратилган ер участкаси – энг кам ойлик иш ҳақининг 1,25

баравари (253 минг 412 сўм);

- нотурар объектлари қуриш учун ажратилган ер участкаси – энг кам ойлик иш ҳақининг 1,25 баравари (253 минг 412 сўм);
- қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ажратилган ер участкаси – энг кам ойлик иш ҳақининг 2,5 баравари (506 минг 825 сўм).

“XXI asr” жавоб беради

Светофордан ўтиб кетганда...

Опти ой аввал светофорнинг тақиқловчи сигналига бўйсунмасдан машинада ҳаракатланганда давом этмайдим. Бунинг учун жарима жазосига тортилгандим.

Бу ҳолат яна такрорланса, жарима миқдори ортадими?

Ш. Зокиров,
Қибрай тумани




Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида (405 минг 460 сўм) жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил мuddатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

са, энг кам иш ҳақининг беш баравари (1 миллион 13 минг сўм) миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик икки марта маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил мuddатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Олмасор туман иқтисодий суди раиси
Наврўз АШУРОВ жавоб берди.



Муносабат

“Эртанги кунини ўйлаган, фарзандларини чин маънода комил инсонлар этиб тарбиялашни мақсад қилган ҳар қандай жамият, аввало, уларнинг қўлига китоб беради, уларни китобга ошно қилади”. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу фикри мамлакатимизда китобхонлик маданиятини юксалтириш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ишларнинг моҳиятини очиб беради. Юртбошимиз таклифи билан бошланган “Қадрдон мактабимга китоб совға қиламан” акцияси ўлкамиз бўйлаб кенг қанот ёзмоқда. Эзгу ташаббусга барча бўғиндаги раҳбарлар, зиёлилар, ижодкорлар, санъаткорлар, турли соҳа вакиллари бош қўшиши натижасида таълим масканлари кутубхоналари минглаб янги китоблар билан бойиб бормоқда. Бундай хайрли амаллар шоирларимиз қалбига илҳом учқунларини ташлагани, янгидан-янги шеърлар ёзилишига туртки бергани ҳам рост.

Ҳақни излаганга ҳақиқат – Китоб



Гайрат МАЖИД

Шубҳасиз, энг улуг насиба нон-туз, Жонинг зиялар бағишлайди сўз, Манзилга элтгучи бир йўлчи юлдуз – Давлатинг ичинда бир давлат – Китоб.

Қадим илдизларим – дилимдан айтар, Мангу баҳорларим – гулимдан айтар Шу азиз, муқаддас элимдан айтар, Онага, Ватанга садоқат – Китоб.

Дарё кўрмай этик ечма, эй кўнгил, Жаҳолат макрига учма, эй кўнгил, Бир қутлуг сабоқдан кечма, эй кўнгил, Ҳақни излаганга ҳақиқат – Китоб.

Баркамол авлодга гўрур бергучи, Тафаккур бергучи, шуур бергучи, Саодат хабари – сурур бергучи, Фақат эзгуликдан иборат – Китоб.

Бебаҳо борлигим – Истиқлолимсан, Боболар орзуси – бахт-иқболимсан, Нурли келажагим – истиқболимсан, Озод яшамоққа қафолат – Китоб.

Замон ҳикмати

Қаламни соф иймон, ихлос билдим мен, Ҳазрат Навоидан мерос билдим мен, Энг покиза изҳор, дилроз билдим мен, Ҳам қувонч, ҳам нурли ғусса – қаламдир, Қалам эл дардини ёзса – қаламдир.

Кўнгилга Ҳақ ва халқ муҳаббатин эк, Нажимдин Кубродек ёвга боргин тик, Ватан дея султон Жалолидиндек, Қон кечса, жонидан кечса – қаламдир, Қалам эл дардини ёзса – қаламдир.

Шоҳи Зинда нурдир, кўнгил янгориб, Имом Мотуридид қошига бориб, Насафий боболар сабогин олиб, Жаҳолат йўлини тўсса қаламдир, Қалам эл дардини ёзса қаламдир.

Рух боқий, демакки, саломат жон ҳам, Эл деб оқиб турса, томирда қон ҳам, Бор бўлиб ҳар дилда Соҳибқирон ҳам, Кўк қадар юксалса, ўсса – қаламдир, Қалам эл дардини ёзса – қаламдир.

Тезоб дарё каби жаҳонда, дўстим, Ким обод, ким эса вайронда, дўстим,

Англаб ўз қадрини замонда, дўстим, Бузилган оламни тузса – қаламдир, Қалам эл дардини ёзса – қаламдир.

Юрт қолар, эл қолар, эл ичинда бўл, Бул Ватан дил эрур, дил ичинда бўл, Мудом адолатли йўл ичинда бўл, Шу йўлдан адашмай кезса – қаламдир, Қалам эл дардини ёзса – қаламдир.

Сўзим боболарнинг китобидандир, Ғайратим устозлар шитобидандир, Бу ҳикмат Юртбошим хитобидандир, Танда бор жонини сезса – қаламдир, Қалам эл дардини ёзса – қаламдир.



Нажотни ўзидан қидирган...

Виктор АЛИМАСОВ

Мансаб ва маснаднинг эмас, балки инсонийлик келтирган доврқунинг умри узун.

“Сен” деган тил қаҳру ғазабни сочигша шай, “сиз” эса қаҳру ғазабни ахлоқ, одоб доирасида ушлаб туради.

“Ҳар сафар ёвузликка дуч келганимда Исони хочга илган михлар менинг ҳам қўл-оёқларимга қоқилгандек туюлади” (Е.Евтушенко). Ҳар сафар ақли ноқис менга таъна тошини отганида Коперникни кўйдирган олов мени ҳам ўз домига тортаётгандек бўлади.

“Ким ахлоқли бўлса, у сўзсиз, яхши гапирари” (Конфуций), аммо яхши гапирадиган мудом ахлоқли бўлавермайди.

Меъридан ошган эзгулик тил-ёғламаликдир.

Қўшнисига меҳр, иззат кўрсатмаганинг элига меҳр, иззат кўрсатиши дарёумон.

Тўкин дастурхон устида ичилган қасам ҳали элпарварликдан ҳам, инсонпарварликдан ҳам дарак бермайди.

Кишиларни эрк эмас, такаббурлик йўлдан уради.

Нодоннинг саволи баъзан оқилни ҳам мот қилади.

Икки жоҳил билан икки ғофил бир-лашса, улар “Дунё бизники” деб жар солади.

Эйнштейндан иккени тўртга кўпайтирсак қанча бўлади, деб сўрашибди. “Истаган манбада бор нарсаларни миямда сақлаб нима қиламан?” деб жавоб берибди у. Ким қаерда ишлаган, ким кимнинг уруғи каби майда-чуйдаларни билишини донолик ҳисоблайдиган кишиларга ўринли жавоб бу.

Кимдир нажотни кўкдан қидиради, кимдир – Ердан. Нажотни ўзидан қидирган менда ҳурмат уйғотади.

Бернард Шоудан сўрашибди: – Қандай қилиб ақлли фикрлар топасиз?

– Одамлар деганининг аксини айтман, улар ўз ғофиллигини яшириш учун айтганларимдан ҳикмат топишга мажбур.

“Очликдан ўлиш – арзимас воқеа, ахлоқни йўқотиш – фожиа” (Конфуций). Лекин негадир кишилар очликдан ўлишни фожиа деб биладилар?..

Ҳа, яшаш ҳикмат, еалек, яшашдан ҳикмат излаб яшашда янада кўпроқ ҳикмат бор.

Спорт

Гимнастикачиларимиз Гран-при турнири ва жаҳон кубогида қатнашади

Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бугун Европада жўнаб кетишди.



Жисмоний тарбия ва спорт вазирилик матбуот хизмати маълум қилишича, жорий йил 8 апрелга қадар Европанинг бир йўла икки давлатида спортнинг нафис ва жозибдор тури бўйича кетма-кет иккита йирик мусобақа ўтказилади ва уларнинг ҳар иккисидан ҳам спортчи қизларимиз иштирок этишади.

Дастлаб Франциянинг Тье шаҳрида халқаро Гран-при турнирида ташкил этилади. Ушбу мусобақа 1 апрель кунини низоҳасига етади ва шундан сўнг гимнастикачиларимиз 3-8 апрель кунлари бўлиб ўтадиган жаҳон кубоги босқичида қатнашиш учун Италиянинг Песаро шаҳрига йўл олади.

Мусобақада иштирок этадиган Ўзбекистон терма жамоаси таркибидан 8 нафар спортчи ўрин олган бўлиб, Европа майдонларида ватанимиз шарафини Нилуфар Шомуродова, Динара Равшанбекова, Ксения Александрова, Софиябону Қосимова, Камола Ирнарзорова, Севара Сафоева, Сабина Тошкенбоева ва Екатерина Фетисова ҳимоя қилади.



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

“ДАВР БАНК” ХАТБ жамоаси Ўзбекистон аҳлини табиатнинг уғониш ва янгилашиш даври ҳисобланган Наврўз байрами билан муборакбод этади!

Бизнинг жамоамиз Наврўз байрами тўғрисида сифатида қуйидаги хизматларни сизга таклиф этади:

“ИСТАК” омонати

- Муддати - 735 кун;
- Фоизи - йиллик 21%;
- Омонатнинг минимал миқдори 1000 000 сўм.

“Ипотека” кредити

- Кредит муддати - 120 ой;
- Фоиз ставка - йиллик 24%

Мурожаат учун телефон: 71 207 40 40

@DAVRBANKUZ

Хизматлар лицензияланган.



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

XXI
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ Аҳам ШОДМОНОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ Тулқин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Виктор ПАК
Мавлуда ХУЖАЕВА Насимжон АЛИМОВ
Сирожидин САЙИДИ Аслиддин АЛМАРДОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбоари)

Таҳрират манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

электрон почта:
xxi_ast@mail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тел.факс).

Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама
бўлими –
71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI ast” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 358 Тираж: 5045
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – 00:05
Топширилди – 01:30

Таҳрират келган кўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI ast” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер
Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

12 : 456

Навбатчи муҳаррирлар:
Аслиддин АЛМАРДОНОВ, Эзбек ШОЙИМҚУЛОВ.